


98
1434

SHOXIDA MAHKAMOVA

Dirijorlik



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

--	--

14 37 Sp. Mahkamova
Dirijorlik 29. golla
T: 2020y.
B: 8/4

48
1437

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

SHOHIDA MAHKAMOVA

DIRIJORLIK

*Pedagogika oliy ta'lim muassasalarining
talabalari uchun o'quv qo'llanma*

-2956-

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«Musiqqa» nashriyoti
Toshkent
2020

UO'K 78.071.2(075.8)

KBK 85.315ya73

M 37

Mahkamova Shohida. Dirijorlik: O'quv qo'llanma. Mas'ul muharrir: professor Anvar Lutfullaev. Toshkent: "Musiqa". 2020. 180 b.

KBK 85.315ya73
UO'K 78.071.2(075.8)

Ushbu o'quv qullanma O'zbekiston Respublikasi Oliy va O'rta maxsus ta'lim vazirligining 2020 yil 14-avgustdagi 418-sonli buyrig'iga asosan nashrga tavsiya etilgan

*O'quv qo'llanma Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti
Ilmiy kengashi tomonidan nashrga tavsiya etilgan
(2020 yil 27-aprel. Bayonnoma № 5)*

Mas'ul muharrir:

ANVAR LUTFULLAEV – professor.

Taqrizchilar:

BAHTIYOR AZIMOV – Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent.

JABBOR USAROV – Pedagogika fanlari doktori, professor

Mazkur o'quv qo'llanma Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti 5111100 – Musiqqa ta'limi ixtisosligi bo'yicha tahsil olayotgan talabalar uchun mo'ljallangan bo'lib, o'quv qo'llanmada yoritilgan mavzulardan boshqa kurslar talabalari ham foydalanishlari mumkin.

Mazkur dirijorlik sinfi bo'yicha o'quv qo'llanma – musiqqa san'atining eng mashaqqatli kasblaridan biri bo'lib, musiqqa nazariyasi va tarixi, shuningdek, psixologiya sohalarida keng bilimlarga ega bo'lishni talab qiladi. O'qish jarayonida qunt bilan muntazam o'z ustida ishlashgina yosh dirijorga bu bilimlarni egallashga yordam beradi. Mazkur ishda bo'lajak dirijorning tarbiyalanishi va shakllanishida muhim ahamiyat kasb etuvchi ayrim yo'llarini ko'rsatib berishga harakat qilingan.

Ushbu o'quv qo'llanma pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalari uchun mo'ljallangan bo'lib, undan musiqqa ixlosmandlari ham foydalanishlari mumkin.

ISBN 978-9943-6245-2-8

© "Musiqqa" nashriyoti, 2020.

© Sh.Mahkamova, 2020.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ШОҲИДА МАҲКАМОВА

ДИРИЖЁРЛИК

*Педагогика олий таълим муассасаларининг
талабалари учун ўқув қўлланма*

И

«Musiqqa» nashriyoti
Тошкент
2020

УЎК 78.071.2(075.8)

КБК: 85.315.уа73

М 37

Маҳкамова Шохида. Дирижёрлик: Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: профессор Анвар Лутфуллаев. Тошкент: "Муסיқа". 2020, 180 б.

КБК: 85.315.уа73
УО'К 78.071.2(075.8)

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14-августдаги 418-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган.

*Ўқув қўлланма Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(2020 йил 27-апрель. Баённома № 5)*

Масъул муҳаррир:
АНВАР ЛУТФУЛЛАЕВ – профессор.

Тақризчилар:
БАХТИЁР АЗИМОВ – Педагогика фанлари номзоди, доцент.
ЖАББОР ЭШБЕКОВИЧ УСАРОВ-Педагогика фанлари доктори
профессор

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти 5111100 – Муסיқа таълими ихтисослиги бўйича тахсил олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, ўқув қўлланмада ёритилган мавзулардан бошқа курслар талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Мазкур дирижёрлик синфи бўйича ўқув қўлланма – муסיқа санъатининг энг машаққатли касбларидан бири бўлиб, муסיқа назарияси ва тарихи, шунингдек, психология соҳаларида кенг билимларга эга бўлишни талаб қилади. Ўқиш жараёнида кунт билан мунтазам ўз устида ишлашгина ёш дирижёрга бу билимларни эгаллашга ёрдам беради. Мазкур ишда бўлажак дирижёрнинг тарбияланиши ва шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи айрим йўллари кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

Ушбу ўқув қўлланма педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан муסיқа ихлосмандлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

ISBN 978-9943-6245-2-8

© "Муסיқа" нашриёти, 2020.
© Ш.Маҳкамова, 2020.

KIRISH

Hozirgi zamon O'zbekiston musiqa madaniyati o'ta murakkab jarayon sifatida gavdalanadi. Uning serqatlam bisotidan o'zbek milliy zarbli cholg'ulari uchun yaratilgan musiqasi alohida o'rin tutadi. Qadim-qadimlardan yetib kelgan bu san'at, XX asr mobaynida tubdan o'zgara boshladi, yangi izlanishlar bilan boyitildi, yangi ijrochilik yo'nalishlarning vujudga kelishiga asos soldi.

Eslatish joizki, XX asr boshlarida O'zbekiston musiqa madaniyatida muhim tarixiy voqealar sodir bo'ldi. Milliy an'anlarga tayangan og'zaki kasbiy musiqa ijrochiligi bilan bir qatorda nota yozuviga asoslangan kompozitorlik ijodiyoti shakllana boshlandi. 1938 yilda O'zbekiston davlat filarmoniyasi qoshida nota bilan ijro etiladigan o'zbek xalq cholg'ulari orkestri tuzildi. Bu jamoaning repertuarini tuzish va kengaytirish maqsadida ko'pgina O'zbekiston kompozitorlari nota yozuvi ko'rinishdagi musiqa asarlarini nafaqat yakka cholg'ulari uchun, balki maxsus cholg'u va o'zbek xalq cholg'ulari orkestri uchun yaratishni boshladilar. Ushbu asarlarni, ayniqsa, o'zbek xalq cholg'ulari orkestri uchun bastalangan kuylarni ijro etishda dirijor malakasiga ega bo'lgan mutaxassisning o'rni beqiyosdir.

1930-yillarning oxirlarida O'zbekistonda orkestr ijrochiligiga sezilarli darajada e'tibor berila boshlandi. 1948 yili O'zbekiston davlat konservatoriyasi qoshida tashkil etilgan o'zbek milliy xalq cholg'ulari orkestriga dirijorlik fani ham kiritildi. Shu yili Toshkent davlat konservatoriyasida "O'zbek xalq cholg'ulari" kafedراسi tashkil etildi. Uning dasturlarida yuqorida qayd etilgan madaniyatga xos cholg'ularning ijrochilik san'ati tajribasi o'z o'rinni topdi. Yillar davomida mazkur ta'lim yo'nalishida yuzlab mutaxassislar, ya'ni, xalq cholg'ulari ijrochilarini hamda o'zbek xalq orkestrlari dirijorlari tarbiyalandi. Ular hozirda respublikamizda hamda turli xorijiy mamlakatlarning ijodiy jamoalari va ta'lim dargohlarida samarali faoliyat olib bormoqda. Ularning tajribasi shuni ko'rsatmoqdaki, XX asr birinchi yarmida boshlangan yangilanish jarayonlari chuqur ildiz otdi, mevali daraxtga aylandi va sarmahsul natijalarga erishishga zamin yaratdi.

Mustaqil O'zbekiston davrida ta'lim tizimida O'zbek xalq cholg'ulari ixtisosligi bilan bir qatorda dirijorlik bo'yicha tahsil olayotgan talabalar ham ijrochilik va dirijorlik ijro sirlarini puxta o'zlashtirmoqdalar.

Ushbu taqdim etilayotgan o'quv qo'llanma pedagogika ta'lim sohasidagi "Musiqqa ta'limi" yo'nalishi uchun ishlab chiqilgan Davlat ta'lim standartlari asosida yozilgan. "Musiqqa ta'limi" kafedراسiga tegishli dirijorlik fani bo'yicha o'quv rejasida belgilangan soatlar miqdori hajmida "Dirijorlik sinfi" fanini talab darajasida o'qitish maqsadini ko'zlamoqda. Mazkur dars guruhli tarkibda amaliy tarzda o'tkazilayotgan bo'lsada, namunaviy o'quv dasturining mazmunidan kelib chiqqan holda, o'qituvchi har bir talabaning kasbiy o'sishiga alohida ahamiyat berishi maqsadga muvofiq deb bilamiz.

5111100 – Musiqqa ta'limi bakalavriat ta'lim yo'nalishining Davlat ta'lim standartida belgilangan talablarga mos ravishda, o'quv rejasiga kiritilgan "Dirijorlik" fani uchun ko'rsatilgan soatlar hajmida, o'quv dasturi mavzulari,

qolaversa, fanning uslubiyoti va talablari asosida yaratilgan ushbu o'quv qo'llanma mazmunida zamonaviy pedagogik qarashlar, asarlarni o'rganishning muhim jihatlari, musiqiy ta'lim jarayonida erishilgan samarali natijalar, yillar mobaynida to'plangan qimmatli tajribalar o'zining ifodasini topgan. Fan o'quv dasturining asosiy maqsadi talabning o'zlashtirgan bilim va ko'nikmalarini chuqurlashtirish, ijro mahoratini yuksaltirish, kasbiy bilim va tafakkurini yanada kengaytirish bilan birga uni pirovard natijada xalq cholg'ulari bo'yicha "Dirijorlik" sinfiga o'qituvchi sifatida mustaqil kasbiy ish faoliyat ko'rsatadigan, yuqori musiqa ijrochilik mahoratiga ega kadrlarni tayyorlashdir.

Mazkur fanni o'zlashtirishda ta'limning zamonaviy metodlari (xususan, interfaol), pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ijodiy o'quv jarayonida unumli qo'llaniladi. Axborot-resurs markazlari kompyuterlari, "Internet", "Ziyonet" kabi axborot resurs tarmoqlari, maxsus Veb-saytlar sahifalaridan unumli foydalanish, maxsus o'quv adabiyotlari – darslik, o'quv qo'llanma, uslubiy qo'llanma, metodik tavsiyalar, nota grafikasi yuzasidan amaliy kompyuter dasturlaridan keng foydalanish nazarda tutiladi.

MUALLIFDAN

O'zbekistonda bugungi kunda ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy taraqqiyotining yangi bosqichiga ko'tarilish ishlari amalga oshirilmoqda. Bunda "2017–2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlar bo'yicha Harakatlar strategiyasi" dasturulamal bo'lmoqda. Harakatlar strategiyasining to'rtinchi va beshinchi ustuvor yo'nalishlarida ijtimoiy sohaning barcha yo'nalishlari qatorida *musiqa san'atini* rivojlantirish vazifalari ham belgilangan. Unga ko'ra, *birinchidan*, musiqa san'ati rivojini yangi bosqichga olib chiqish; *ikkinchidan*, sohada professional kadrlar tayyorlashni kuchaytirish va yoshlarni munosib tarbiyalash; *uchinchidan*, tajribali san'atkorlarning yutuqlarini o'rganish, targ'ibot qilish va jahon musiqa san'ati mumtoz namunalarini o'zlashtirish; *to'rtinchidan*, musiqa san'ati namunalarini butunlay yangicha yondashuvlar asosida tadbiiq etish va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash tizimini yangilash; *beshinchidan*, musiqa san'ati mutaxassislarining ilmiy, professional va ijtimoiy mahoratlarini yuksaltirib borish vazifalarini amalga oshirish lozim bo'ladi. Shu jihatdan bu vazifalar musiqa san'atining *muhim* tarkibiy qismlaridan *dirijorlik san'atini* ham rivojlantirishga bevosita bog'liqdir.

Dirijorlik san'ati ijodiy faoliyatning shunday noyob turiki, u bevosita dirijorning ijrochilar jamoasi bilan uyg'un munosabatlarida vujudga keladi. Dirijor cholg'uchilar, vokal xonandalar, rejisserlar kabi asarning g'oyaviy mazmunini ochib berishda faol ishtirok etuvchi shaxslar bilan hamkorlikda ishlaydi. Dirijorlik kasbi benihoya murakkab va ko'p qirrali bo'lib, har tomonlama mukammal bilimlar sohibi bo'lishni va o'z navbatida bir olam vazifalarni izohlab, teng taqsimlay olishni hamda butun ijrochilar jamoasining talqinini birlashtirishdek og'ir ma'suliyatni qamrab oladi.

Dirijorlik sohasida adabiyotlar ko'plab uchraydi va ularni avtobiografik, memuar, tahliliy-ijrochilik, monografik va o'quv amaliyotida qo'llaniladigan boshqa adabiyot guruhlariga ajratish mumkin.

Shuningdek aytish joizki musiqiy pedagogikada mazkur mutaxassislik bo'yicha professional dirijorlik san'ati talablariga javob bera oladigan o'quv va metodik adabiyotlarga ham ehtiyoj tobora ortib bormoqda.

Bularning barchasini inobatga olgan holda o'z uslublarim doirasida dirijorlik kursini qisman bo'lsada, yoritib berishga harakat qildim. Bunda asosiy e'tiborimni bo'lajak dirijorning mustaqil faoliyatida zarur bo'ladigan ma'lumotlar berishga qaratdim.

Qo'llanmada biror-bir yangilik ochishga da'vogarlik qilmagan holda dirijorlik mahorati va ifoda vositalari xususida to'xtalib o'tilgan.

Dirijor – katta ijodiy jamoaning rahbari, tashkilotchisi, tarbiyalovchisi hisiolanadi. U madaniyatli, xar tomonlama o'qimishli bo'lishi shart. Shuning uchun dirijorlikni o'rganishdan oldin albatta biror bir cholg'u asbobda (fortepiano, skripka yoki violonchel) chala oladigan bo'lish kerak.

Bundan tashqari, dirijorning eshitish qobiliyati nihoyatda o'tkir bo'lmog'i lozim. Agar u mutloq eshitish (absolyut slux) qobiliyatiga ega

bo'lsa, undan ham yaxshi. Chunki orkestrni, hatto tovushlarni sozlashda yaxshi eshitish katta yordam beradi. Biroq mutloq eshitish qobiliyati dirijor uchun hal qiluvchi omil emas.

Agar dirijor partituraga qarab musiqiy asboblarning jarangini fortepiano yoki boshqa asbob yordamisiz eshita olsa, demak uning eshitish qobiliyati yaxshi rivojlangan deyish mumkin. Partituraning «eshitishda» nafaqat tovushlarni jaranglashi, balki ularni badiiy ahamiyati ham hisobga olinadi. Dirijorga musiqiy hikoyani qaysi joyi hozir jaranglayapti va bir daqiqadan so'ng qaysi qismi jaranglashini aniqlash uchun faqat rivojlangan eshitish qobiliyatigina yordam beradi.

Yosh dirijorning o'ziga xos badiiy xususiyatlarining (individualligi) shakllanib, bilim doirasining chuqurlashishida, falsafa, estetika va san'at turlarining tarixi xususidagi bilimlarini oshirib borishi ham muhim ahamiyatga egadir. Yuqorida aytilganlardan ko'rinib turibdiki, barkamol dirijor shaxsining shakllanishi uning ma'naviy qiziqishlari ham ulkan ahamiyat kasb etadi.

DIRIJORLIKKA KIRISH

Barcha musiqiy-ijrochilik san'ati kabi dirijorlik sohasidagi mutaxassis, o'z "cholg'usi" bilan doimiy muloqotida, ya'ni dirijor orkestr yoki xor bilan ishlash jarayonida rivojlanadi va takomillashadi.

Ammo, ta'limning dastlabki davrida bir tomondan dirijorlik va ikkinchi tomondan barcha boshqa ijrochilik mutaxassisliklari o'rtasida quyidagi farqlar mavjud: xonanda, skripkachi, pianinochi yoki istalgan boshqa cholg'uchi birinchi darsdan boshlab o'z cholg'usi bilan bevosita, jonli muloqotda bo'ladi, dirijor esa, agar u ijrochilik jamoasi bilan birinchi uchrashuvga maxsus dirijorlik tayyorgarligi bo'lmasa, orkestr yoki xor bilan ish boshlay olmaydi. Hatto eng qobiliyatli va bilimdon musiqachilar ham, yetarli darajada jiddiy dirijorlik maktabini o'tamay, orkestr repetitsiyasi yoki konsert o'tkazishga harakat qilganlarida, o'zlarini ojiz sezganlar, ba'zida esa katta muvaffaqiyatsizlikka uchraganlar.

Hozirgi kun amaliyotida bo'lajak orkestr yoki xor o'rnini bosuvchi pianinochi-jo'rnavoz (konsertmeyster)lar ishtirokida, sinf sharoitida avvaldan dirijorlikka o'rgatish tizimi mavjud.

Pianinochi-konsertmeysterlar ijrosiga amaliy rahbarlik qilish faoliyatini endi boshlayotgan musiqachiga dirijorlik san'ati bilan tanishish, ishchan ijodiy dirijorlik-ijrochilik faoliyatida dirijorlik texnikasi asoslarini egallashga yordam beradi. Bu mashg'ulotlar yosh dirijorning umumiy musiqiy rivojlanishi uchun ham katta ahamiyatga ega, chunki bu jarayonda u turli musiqiy adabiyot bilan keng tanishish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Ta'lim muassasalarida bunday tayyorgarlik davri bir yildan ikki yilgacha davom etadi, undan so'ng talabaning orkestr yoki xor bilan bevosita ishlashiga imkoniyat yaratiladi.

Orkestr yoki xor bilan muloqotning xususiyati dirijordan ko'pgina boshqa sifatlarni ham talab etadi: u ijrochilar ommasiga rahbarlik qila olishi, ijodiy aloqalarni o'rnatish, xor yoki orkestrni benuqson eshitishi va ijrochilikdagi noaniqliklarga kerakli darajada munosabat bildirishi, o'z talab va istaklarini qisqa va tushunarli qilib etkaza olishi, repetitsiyani to'g'ri rejalashtirishni bilishi, barcha qatnashchilar kuch va vaqtlarini tejamkorlik bilan sarflash, repetitsiyani tashkil qilishi, unga xona, nota materiallari va h.k.larni tayyorlashini bilishi zarur, albatta, bu turli-tuman vazifalarni sinf mashg'ulotlari jarayonida to'la hal etish mumkin emas. Shunga qaramasdan, bu sohada ham talaba pianinochi-konsertmeysterlar bilan birgalikdagi mashg'ulotlarda zaruriy ma'lumot va ko'nikmalarni o'rganadi va mustahkamlaydi.

Taqdim etilayotgan o'quv qo'llanma ta'limning birinchi bosqichida dirijorning ijrochi, tashkilotchi va rahbar sifatida shakllanishlari masalasiga bag'ishlanadi.

Ta'limning dastlabki davri dirijorlik pedagogikasining **birinchi va eng bosh vazifasi deb muallif bo'lajak dirijorda o'rganilayotgan nota matnini ichki eshita olish qobiliyatini, shuningdek o'zlashtirilayotgan asar musiqiy obrazini ko'z o'ngida erkin va izchil tasavvur etish qobiliyatini tarbiyalash deb hisoblaydi.**

Ikkinchi vazifa deb muallif ijrochilik jamoasini muayyan musiqiy obrazni haqiqiy sadolanishda talqin etishga da'vat eta olish va buning uchun o'z ongida shakllangan musiqiy obrazni tashqi harakatlar vositasida ko'rsatib bera olish qobiliyatini rivojlantirish deb hisoblaydi.

Shu munosabat bilan dirijorlik kursini olib boruvchi o'qituvchi oldida talabada dirijorlik texnikasining uch turini rivojlantirish va takomillashtirish vazifasi turadi: a) repetitsiya oldi texnikasi; b) ijrochilik yoki dirijorlik texnikasi; v) repetitsiya o'tkazish texnikasi.

Dirijorlik texnikasining bunday tarkibiy qismlarga ajratilishi, albatta, shartlidir, chunki ta'lim jarayonida ham, dirijorning professional faoliyatida ham umumiy ish jarayonidan uning alohida unsurini boshqalariga tegmagan holda ajratib olish qiyin.

a) Repetitsiya oldi texnikasi, yoki repetitsiya oldi davri texnikasi deganda, nota matnini o'qish va eslab qolish, ushbu matnni batafsil va har tomonlama tahlil qilish, tafsilotlarini o'zlashtirish, o'qib chiqilgan matnni alohida musiqiy lavhalar va shuningdek tugal, yaxlit musiqiy asar sifatida xayolda talqin etish tushuniladi. Bularning hammasi ayniqsa dirijorning yangi, ilgari unga tanish bo'lmagan asar ustida ishlashiga tegishlidir.

Nota materialini tekshirish, unga tuzatishlar kiritish repetitsiya vaqtdan samarali va tejamli foydalanish imkoniyatini beradi va bu ham repetitsiya oldi davriga kiradi; bu ishlar dirijor tarafidan amalga oshiriladi, bo'lajak repetitsiya yoki dars tashkiliy tomonining birorta ham joyi uning diqqati doirasidan tushib qolishi kerak emas.

Shunday qilib, biz repetitsiya oldi davri vazifasini dirijorning ijrochilik jamoasi bilan o'tkaziladigan repetitsiyaga tayyorlanishi sifatida ham, repetitsiya uchun barcha zaruriy moddiy vositalar va sharoitlari tayyorlash sifatida ham belgilaymiz.

b) Ijrochilik dirijorlik texnikasi yoki dirijorlik texnikasida ikkita vazifa: takt olib borish va his-tuyg'uli, ifodaviy vazifani farqlay olish zarur.

Takt olib borish dirijor qo'llarning bo'shliqda, muayyan tezlikda, shartli yo'nalishda joyini o'zgartirish harakati yordamida amalga oshiriladi; u musiqaning tempi va metrini belgilash uchun xizmat qiladi. Takt olib borish badiiy dirijorlik qilish uchun o'ziga xos asos vazifasini o'taydi. His-tuyg'ularga tegishli vazifa – musiqaning ichki mohiyati, uning g'oyaviy-hissiyot mazmunini ochib berishdan iboratdir.

Lekin, musiqaning ichki g'oyaviy-tuyg'uli mazmunini dirijor harakat apparatida talqin etilishi – bu ijrochilik jarayonining faqat bir tomonigina xolos. Dirijorlik texnikasining mohiyati esa musiqa asari g'oyaviy-tuyg'uli mazmunini ifodalash dirijorning harakat orqali ijrochilarga irodaviy ta'sir etishi bilan uyg'unlashuvidadir, bunda dirijor ijrochilarni o'z badiiy g'oyalarini jonli sadolanishini amalga oshirish uchun qat'iyat bilan undaydi.

O'zida bu san'atni his etmagan musiqachini dirijor deb atash mumkin emas, zero u boshqarishga qodir emas, u yoki bu sadoni amalga oshira olmaydi, faqatgina jamoa tomonidan ijro etilayotgan musiqani aks ettiradi, belgilab turadi xolos.

v) Repetitsiya olib borish texnikasi – bu dirijorning ijrochilar kuchi va vaqtini eng kam miqdorda sarflab, kompozitorning nota yozuvida ko'rsatgan ijodiy g'oyasini haqiqiy sadolanishda to'la va aniq amalga oshirishga bo'lgan qobiliyati va bilimidir. Repetitsiya olib borish texnikasi dirijorning ijrochilik jamoasiga nafaqat dirijorlik apparati vositalari yordamida, balki zaruriy to'xtash onlarida og'zaki tushuntirishlar, shuningdek, bevosita ijro vaqtida aytiladigan qisqa ko'rsatmalar, izohlar va talablar orqali faol ta'sir o'tkazishni ko'zda tutadi.

Mavzu yuzasidan savol va topshiriqlar

1. Dirijorning va sozanda-ijrochining farqi qanday?
2. Dirijorning dastlabki vazifasi nimadan iborat?
3. Repetitsiya qilish qanday ma'noni anglatadi?

* * *

1. Orkestr va dirijor o'rtasidagi farqlarini tushuntiring.
2. O'zbekistonda yashab, dirijorlik faoliyatini olib borgan va olib borayotgan dirijorlar haqida ma'lumot to'plang.
3. O'zbekistonda qaysi orkestrlar faoliyat olib borayotganligi haqidagi ma'lumotlarni o'rganing.

DIRIJOR HOLATI

Avvalo dirijorning holati haqidagi masalaga aniqlik kiritish lozimki, unda dirijorning dastlabki osoyishta holatiga harakat oldidan tayyorgarlik sifatida qaraladi.

Gavdaning oyoq tagi oldi qismi, hatto oyoq barmoqlariga tayanish holatida inson harakat erkinligi va nozikligiga erishadi. Yugurish, sakrash, badiiy gimnastika, raqslar, mumtoz raqs shu tayanchga asoslanadi. Bu haqda dirijor ham unutmazligi kerak. Dirijorning tovonga tayanishi uning gavdasini ichki dinamika, faollikdan mahrum qiladi.

Dirijor to'g'ri turib, boshini yetarli darajada baland tutadi. Uning nigohi ijrochilarga qaratilgan. U qo'llarini pult ustida, har bir ijrochi dirijorga nisbatan qayerda o'tirganligidan qat'iy nazar, ko'rinadigan holda baland tutadi.

“Dirijorning qo'li va tayoqchasi boshi bilan teng balandlikda ko'tarilib turadi”. “Ijrochilarning vazifasi dirijorga qarash va bu unga o'z navbatida bemalol ko'ra olishlariga sharoit yaratish mas'uliyatini yuklaydi. Orkestr qanday joylashganligidan qat'iy nazar, dirijor o'zini hammaning nigohiga tusha oladigan holatda tutishi kerak”.

Ifodaviy vositalarni tanlash, qo'l harakatlari va imo-ishoralarning me'yori va faolligi quyidagi mulohazalar asosida talab etiladi va aniqlanadi: dirijorning har bir harakati; harakat apparatidagi har bir o'zgarish ijrochilar tomonidan so'zsiz bajarilishi uchun signal sifatida qabul qilinadi. Shuning uchun tushunarliki, dirijor

ichki ijodiy jarayonining tashqi harakatda namoyon bo'lishi o'qituvchi tomonidan ham, dirijor tomonidan ham jiddiy e'tiborni talab etadi.

Ijroni boshqarish jarayonida dirijor tashqi ifodaviy vositalarining tabiiyligi o'ta tushunarligi, aniqligi, oddiyligi va anglab olish osonligi juda muhim rol o'ynaydi. Bu vositalarning irodasizligi, bo'shlangligi va mazmunga ega emasligi harakatlarning o'ta hayajonliligi va sun'iy o'ylanganligiga nisbatan dirijorlik san'atiga kamroq darajada yot sifatdir.

Dirijorning o'z harakat vositalarini sarflashdagi tejamkorligi katta ahamiyatga ega. Qo'llarning ortiqcha harakatlari agar jamoa sezgir, e'tiborli va intizomli bo'lsa, muqarrar ravishda ijrochilarning dirijor uchun kutilmaganda munosabatini vujudga keltiradi, yoki agar jamoa avvaldan bunday harakatlarga o'rganib qolgan bo'lsa, zarur signallarni ijrochilar sezmay qoladilar.

Dirijor qo'llarining harakat amplitudasi bo'yicha o'ta keng bo'lmasligi kerak. Nisbatan kichik harakatlar dirijorni kamroq toliqtiradi, ichki ijodiy ish uchun unga ko'proq kuch va imkoniyatlar qoldiradi. Bundan tashqari, ular orkestr diqqatini yaxshiroq mujassamlashtiradi, ortiqcha katta, quloch otib qilingan harakatlar esa (ayniqsa tez sur'atlarda) takt olib borishga ko'proq hovliqishlikka olib keladi va ijrochi hamda tinglovchilarning diqqat-e'tiborlariga halaqit berib, ularning g'ashiga tegadi.

Dirijor qo'llarining vazifalari dirijorlik qilishda qo'llarning har xil tipdagi: simmetrik, ya'ni ikkita qo'lning ham bir xildagi va butunlay alohida holdagi, ya'ni ikkita qo'l ham ayni bir maqsadga bo'ysundirilib, bir vaqtning o'zida har xil texnik vazifalarni bajaradigan harakatlari qo'llaniladi. Har bir alohida holatda qaysi tipdagi harakatni ishlatish masalasi musiqaning tusi, jo'shqinligi va fakturasiga qarab hal qilinadi. Bundan tashqari, qo'llarning harakatlari, birgalikdagi harakatlar va kombinatsiyalarni dirijorning o'zi qulaylik, erkinlik, bemalollik mulohazalariga va, nihoyat, imo-ishoralar va harakatlarning ko'rgazmali bo'lishi talablariga asoslanib tanlab oladi. O'ng va chap qo'llarning har qanday vazifani bajarishi mumkinligiga qaramasdan, dirijorlik qilish amaliyoti ko'pincha har bir qo'lga nisbatan qo'yiladigan talablarni belgilaydi.

Dirijorlik qilish vaqtida yetakchilik vazifasini bajaruvchi o'ng qo'l avvalo taktilashtirish, ya'ni taktili qismlarni ko'rsatish, asarning tuzilmasini ifodalash uchun mo'ljallanadi. Shu bilan ayni bir vaqtda o'ng qo'l musiqa asboblari, ovozlarning boshlanishiga ishora qiladi, diqqat-e'tiborni nimaga qaratish kerakligi, fermatalar, sinkoplarni qayd qiladi, sur'atni belgilaydi, harakat, jo'shqinlik tusini ifodalaydi. Shular asosida aytish mumkinki, o'ng qo'l bilan taktilashtirish mexanik bajariladigan ish emas, balki u butunlay ijro etilayotgan musiqaning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqadi.

Dirijorning chap qo'li musiqa asboblari, ovozlari, orkestrdagi guruhlar, xor turkumlarining boshlanishiga ishora qiladi, ijrodagi jo'shqinlik ko'rinishlarining turli-tumanligini ifodalaydi. Bundan tashqari, musiqiy bayonning qismlarga bo'linishi, hijjalashlarning ko'rsatmalari, ovozlari, sezuralarning to'xtatilishi, kuydagi tasvirlarning o'zgarishlari asosan chap qo'l yordamida bajariladi.

Yuqorida aytib o'tilgan fikr aslo bunday vazifalarning o'ng qo'l, ba'zan har ikkala qo'l bilan bajarilishi mumkinligini istisno etmaydi.

Dirijorning qo'llari hech qachon qandaydir tarzda bir-biriga bog'liq bo'lib qolmasligi kerak. Bir qo'lning avtomatik ravishda boshqa qo'l tomonidan takrorlanadigan harakati dirijorlik qilishdagi imo-ishoralarning qashshoqligi, bir xilligiga olib keladi. Lekin bu simmetrik harakatlarni mutlaqo qo'llamaslik kerak degani emas, ko'p hollarda bunday harakatlarni qilish majburiy hisoblanadi.

Masalan, butun orkestrning kuchli, tantanavor jaranglashi paytida shunday musiqaning tusini yanada yaqqol ifodalash uchun dirijorning qo'llari beixtiyor bir-birini bir xildagi harakatlar bilan qo'llab turadi. Dirijorning chap va o'ng qo'llari funksiyalarining asosiy farqi shundaki, taktilash o'ng qo'lning majburiy harakati hisoblanadi. Chap qo'l xususida shuni aytish mumkinki, u takt qismlarni ko'rsatishi majburiy bo'lmas-da, lekin birmuncha kengroq vazifalarni bajarishi, masalan, yaxlit dinamik chizimni ifodalashi, fraza, chuqur nafas olinishini ko'rsatishi mumkin. Chap qo'l o'ng qo'lga nisbatan ko'proq erkinlikka ega, chunki u o'zining har bir harakatini qat'iy muayyan yo'nalishda yuritish zarurati bilan cheklanmaydi.

Qo'llar harakatlarining erkin muvofiqlashtirilishi, ularning bir-biridan to'liq mustaqilligi qo'llarning yengil, ortiqcha keskinliksiz va zo'riqishsiz harakat qilishi, hamma harakatlarni belgilab turishini ko'rsatadigan shakllaridir.

Qo'llarning harakat qilishi paytida ularning bemalol turishi masalasi dirijorlik qilish texnikasidagi eng murakkab muammolardan biridir. Ko'pincha chizmalar bilan ilk marta tanishish ayni bir paytda har ikkala qo'l bilan bajariladi. Bunda o'quvchida avval-boshdan beixtiyor ravishda simmetrik harakatlarga tegishli odat paydo bo'ladi va bu keyinchalik uning o'z qo'llarini bemalol ishlatishiga xalal beradi.

Nima uchun kishi o'zini keyinchalik baribir voz kechilishi kerak bo'ladigan harakatni qilishga o'rgatishi kerak? Taktilashda chap qo'l hamisha o'ng qo'lning harakatlarini takrorlashi mumkin, lekin gap ayni shu narsani bartaraf etish haqida ketayapti. Pedagogik tajribaning ko'rsatishicha, oldiniga faqat bitta - o'ng qo'l - bilan chizmalarni bajarishni o'zlashtirib olish qo'llarning harakatlaridagi mustaqillikka erishishda eng samarali uslub hisoblanadi. Chap qo'l xususida shuni aytish mumkinki, chap qo'lni birdaniga ishga tushirish mumkin emas, buni sekin-astalik bilan amalga oshirish lozim. Shubhasiz, bu o'rinda pedagogning roli juda muhim bo'lib, u o'quvchining tashabbusini to'g'ri yo'lga soladi, ba'zan uni harakatlardagi ortiqcha xilma-xillikdan ogoh qiladi.

Qo'l qismlarining vazifalari: Qo'lning har bir qismi o'zining ifodalash xususiyatlariga ega bo'lib, o'ziga xos vazifalarni bajaradi. Qo'lning eng harakatchan va qayishqoq qismi - bu kaft bo'lib, u eng nozik va turli-tuman harakatlarni: zarbali, hamla qiluvchi, doirasimon, silovchi va shu kabi harakatlarni bajarishga mo'ljallangan. Qo'l qismlarining yengilligi va harakatchanligi hamda kamroq toliqishi dirijorning oson va samarali ishlashiga imkoniyat yaratadi.

Dirijorlik qilishda kaftning pastga qarab turishi eng qulay holat hisoblanadi. Bunda kaft ochilib ham, juda qisilib ham turmasligi, pastga yoki yuqoriga chiqib ketmasligi kerak u hamisha oldinga qarab turishi kerak. Barmoqlar tabiiy, biroq

bukilgan holatda turadi. Ularning erkin holatda turishi butun kaftning erkin holda turganligidan dalolat beradi. O'qishning boshlang'ich davrida kaftning erkin ushlab turilishiga alohida e'tibor berish lozim. Shu ma'noda birdaniga tayoqcha bilan dirijorlik qilish tavsiya etilmaydi, chunki qo'lda tayoqchani tutib turish kaft mushaklarining qisilish turishiga sabab bo'lishi mumkin.

Kaft musiqiy tasavvurlarni ifodali imo-ishoralarga aylantiradigan har xil tezliklar va nozik harakatlarni yetkazuvchi organ. Kaftlarning harakatchanligi tufayli u qo'lning boshqa qismlari bilan va ulardan alohida holda ham ishlatilishi mumkin. Kaft qo'lning boshqa qismlari bilan ishlatilganida u shu qismlarning harakatlarini to'ldirib turadi, ulardan alohida holda ishlatilishida esa - o'ziga yanada faolroq funksiyalarni olishi mumkin. Yengil ohangdagi musiqa kaftning tabiiy harakatlari orqali ifodalanadi. Qo'lning boshqa, ancha salmoqli qismlarining bunday hollarda ishtirok etishi ijro xarakteriga vazmin tus beradi.

Juda tez sur'atda chalinadigan musiqaga dirijorlik qilishda kaftning roli juda katta, buni ba'zan umuman deyarli unchalik sezilmaydigan imo-ishora yordamida bajarish mumkin. Ba'zan opera spektakllarida, orkestr jo'r bo'ladigan rolni bajaradigan epizodlarda yoki qo'lni dam oldirish kerak bo'lganida kaft orqali vaznga solinadi. Biroq harakatlarning alohida tusda bo'lishi kaftning eng muhim xususiyati emas. Bilaklar yoki butun qo'lning hammasi harakatga kelganida kaftning roli yanada oshadi. Kaftning turg'unroq harakati bilaklar ifodalaydigan ta'sirni yengillashtirishi yoki, aksincha, kaftning keskin harakati ta'sirni yanada kuchaytirishi mumkin.

Alohida ifodalash vazifalari bajariladigan hollardan boshqa hollarda kaft qisilib, harakatsiz turmasligi kerak. Uning juda bukilib, bo'shashib, qo'zg'alib turishi ham yaramaydi, bu dirijorlikning aniq bo'lmasligi, imo-ishoralar va harakatlarga bo'shanglik tusini beradi.

Qo'lning eng muhim, ko'p ishlatiladigan qismi - bu bilaklardir. Bilaklar ko'p harakat qilib, ular orqali qilinadigan imo-ishoralar sezilib turadi, shuning uchun vaznga solishda bilaklar asosiy rol o'ynaydi. Biroq bilaklar vaznga solishda majburiy harakatlarni bajarish bilan birga ayni bir vaqtda shakliga ko'ra o'ziga xos imo-ishorani ifodalaydiki, bu dirijorlikning ta'sir qiluvchi jihatini boyitadi. Bilaklar ijroning jo'shqin, hijjali, turli tovushda jaranglaydigan sifatlarini aks ettirishga imkon beradigan keng miqyosdagi harakatlarni bajaradi.

Qo'lning eng kam harakat qiladigan qismi - bu yelkadir. Bilaklar harakat qilish paytida asosan elkaga tayanadi. Darvoqe, qo'lning boshqa qismlari kabi yelka ham ifodalash funksiyalarini bajaradi. Imo-ishoraning tebranishini ko'paytirish, shuningdek, kantilenada tovushning yuqoriligi, ko'proq jo'shqinlikni ko'rsatish uchun ham yelka ishlatiladi.

Biroz oldinga talpinib turgan yelka bilaklar uchun o'ziga xos tayanch bo'lib, qo'lning harakatlariga tiniqlik va elastiklik bag'ishlaydi.

Dirijor holati - o'ziga xos qonun qoidaga asoslansada, har bir shaxsning gavda tuzilishi holatidan kelib chiqadigan ifodalash jihatlarining uyg'unligidir. Uning yordamida jamoadan (xor, orkestr) bir butunlikdagi ifodali ijro jihatlarini talab qilinadi.

Dirijorning ifodalash jihatlariga - qo'llar, tana (gavda), oyoqlar, bosh, mimika (yuz ifodasi) va nigohlar kiradi.

O'z vaqtida tezlik bilan ta'sirchan ifodalash harakatlarini boshqara olish dirijorlik texnikasi deyiladi. Dirijorlik texnikasiga erishish - har bir ifoda harakatlarini o'z vaqtida alohida e'tibor va mahorat bilan boshqarishdir. Bunga esa, har bir dirijorning ichki sezgisi va qobiliyatidan kelib chiqqan holda erishiladi.

Dirijorlik holatining asosiy talablari quyidagicha:

- harakatlardagi tabiiylik va muskullarning erkin harakati;
- sozanda - ijrochilarga dirijor harakatlarini tushunarligini ta'minlash;
- orkestrdan ijro talab qilishda qo'l harakatlaridagi aniqlik va ishonch;
- maqsadga muvofiq va aniq maqsaddagi harakatlar;
- dirijor harakatlaridagi obrazlilik va estetika (go'zallik).

Dirijor tashqi ko'rinishi va pulda o'zini tutish madaniyati bilan ijrochilarga ta'sir o'tkaza olishi kerak. Shuningdek, o'ziga hurmat uyg'otishi va ishonch bilan ishlashi lozim. Ushbu fazilatlariga erishish natijasida, orkestr bilan ishlash jarayonidagi ijodiy faollik va intizomga erishiladi.

Orkestr bilan ishlash jarayonida butun tana ishtirok etadi. Qo'l, bosh, gavda, oyoq holatlari; mimika va nigohlarning barchasi ijro etilayotgan asar xarakteridan kelib chiqqan holda ishlatiladi.

Mavzu yuzasidan savol va topshiriqlar

1. *Dirijor holati va uning ifodalash jihatlarini nimalardan iborat?*
2. *Dirijor qo'llarining vazifalari nima?*
3. *Dirijorda qo'l harakatlari nechta qismdan iborat?*

* * *

1. *Qo'llarning har bir qismini alohida ishlatgan holda oynaga qarab mashqlar qiling.*
2. *Dirijorlik holatining asosiy talablarini o'zlashtiring.*
3. *Dirijorlik jarayonida inson tana qismlarining qaybirlari muhimligini puxta anglab oling.*

DIRIJORLIK TEXNIKASI

Dirijorning musiqiy asarning ijro qilinishi paytida ijrochilar jamoasiga ta'sir qilishi uchun yordam beradigan vositalar va usullar majmui dirijorlik texnikasi deb ataladi. Qo'llar texnikasi yoki taktlashtirish deb ataladigan imo-ishoralar va harakatlar bilan bir qatorda bunday majmua yana orkestr oldida turgan dirijorning qarashlari, yuz mushaklarining ma'noli harakatlari (mimikasi) va umuman uning butun fe'l-atvorini o'z ichiga oladi. Dirijor taktlash texnikasini egallab olgach, hamisha o'z harakatlarining g'oyat sodda, tabiiy va ifodali bo'lishiga, o'zining juda aniq imo-ishorasining to'la erkin, nafis (plastik) va qayishqoq bo'lishiga intilishi kerak. Dirijor u yoki boshqa asarning mazmunini juda aniq-ravshan ochib beradigan texnik usullarning muayyan hajmini egallab olishi

lozim. P.Kazalsning so'zlari bilan aytganda, «faqat yakkayu-yagona bir chinakam texnika bor: u ham bo'lsa, to'la-to'kis musiqaga xizmat qilishdir».

Dirijor faqat o'zi egallagan usullarning umuman hammasini va alohida har birini to'la-to'kis o'zlashtirganida ijro qilish texnikasining eng yuqori darajasiga va texnik jihatdan erkinlikka erishishi mumkinki, ortiqcha jismoniy zo'riqishni yo'qotib, butun organizmdagi mushaklarning tamomila erkin harakat qilinganida bunday qilish mumkin bo'ladi. O'zini o'zi doimiy nazorat qilib yurishni rivojlantirish, shuningdek, pedagogning kuzatuvlari o'quvchining dirijorlik qilish paytida paydo bo'ladigan hamda ko'pincha ijro sifatiga ta'sir ko'rsatadigan siqilishlari va keskin vaziyatga tushish holatlarini bartaraf etishiga yordam beradi. Dirijorlik usullarining erkinligi mushaklarning butunlay shalpayib qolishini anglatmaydi: har qanday harakat, hatto eng sodda va arzimagan harakat ham har doim mushaklarning keskinlashuviga sabab bo'ladi. Gap ayni qaysidir harakatning bajarilishida ishtirok etadigan mushaklarning erkin bo'lishi, ya'ni oqilona, aniq maqsadga qaratilgan keskinlik to'g'risida borayapti. O'quvchilarning e'tibori ayni shu narsaga qaratilishi kerak.

Mushaklarning erkin holatga keltirilishi masalasi bilan o'qitish boshlangan paytdan boshlab, ya'ni taktlash chizmalarini o'rganish vaqtida shug'ullanish zarur. Ilk dirijorlik harakatlari o'zlashtirilishi va keyinchalik texnik malakalarni hosil qilish badiiy material negizida davom ettirilishi lozim. Asarlarning tanlanishi dirijorlik texnikasi usullarini bir tizimli asosda o'zlashtirish vazifalariga muvofiq ravishda bajarilishi kerak. Bu, o'z navbatida, dirijorlik qilishda har xil texnik usullarni egallab olish uchun erkinlik baxsh etadi.

Dirijorlik usullari majmuining barcha qismlari o'zaro bir-biri bilan bog'langan va o'zaro bir-biriga muayyan darajada bog'liq bo'ladi. Dirijorning gavdasi, elkari, boshi, oyoqlari va qo'llarining holati avvalo eng ko'p tabiiylik va qulaylik mezonlariga qarab belgilanadi.

Dirijorlik qilayotganda gavda to'g'ri turishi, keskinlik bo'lmasligi va shu bilan birga ixcham holda, ko'krak tiklangan va elkalar bemalol yoyilgan holatda turish kerak. Dirijorlik qilish paytida gavda nisbatan turg'unlik holatida bo'lishi lozim. Turli tomonga qarab burilaverish, engashish, qayrilaverishlar noxush tasavvur hosil qilishi mumkin. Lekin, baribir, gavdaning ifodali ma'no berishi qanday harakat qilishga emas, balki ko'proq gavdaning qay tarzda tutib turilishiga bog'liq bo'ladi.

Dirijorlik qilish paytida odatda dirijorning boshi biroz tik holatda bo'lib, uning yuzi har doim orkestr tomonga qarab turishi va ijrochilarning hammasiga aniq ko'rinib turishi lozim. Dirijorlik qilish paytida dirijorning yuzidagi ifodalilik juda katta ahamiyatga ega bo'ladi.

Agar dirijorning yuz mushaklarining ma'noli harakatlari (mimikasi) va ko'z qarashlari imo-ishoralar va harakatlarning ifodali ma'nosiga mos tushmasa, unda uning qo'llarining hech bir ta'sirli harakati kerakligicha ta'sir ko'rsata olmaydi.

Dirijorlik qilish paytida dirijorning oyoqlari butun gavda uchun qat'iy va barqaror tayanch vazifasini o'taydi va oyoqlar keng yozib yuborilmasligi va bir-biriga qisilib ham turmasligi kerak, chunki bunday holatlar keskin harakat qilish

vaqtida gavdaning bemalol turishiga xalaqit qiladi. Dirijorning oyoqlari taxminan ikki tovon kengligida yoyilib turgani eng maqbul holat hisoblanadi. Ba'zan uning bir oyog'i biroz oldinga chiqib turishi ham mumkin. Agar dirijor ijro qilish paytida ko'proq chap tomonga qarashi kerak bo'ladigan bo'lsa, unda uning o'ng oyog'i ko'proq chap tomonga qarashi kerak bo'ladi, mabodo u ko'proq o'ng tomonga qarashi kerak bo'ladigan bo'lsa, unda uning chap oyog'i ko'proq o'ng tomonga qarashi kerak bo'ladi.

Subito piano holatini ko'rsatishda oyoqni bukib o'tirmoqchi bo'lgan holatni ko'rsatish, shuningdek, musiqaga monand raqsga tushish holatini ifodalash mumkin emas. Keskin jaranglaydigan epizodlar, Fortissimo, har xil Tutti va shu kabi holatlarning ijro etilishi paytida, odatda, dirijorning ikkala oyog'i uning gavdasi uchun tayanch vazifasini bajaradi. Yosh dirijorlar orasida eng ko'p tarqalgan nuqson – bu musiqqa tezligini oyoqlar bilan sanab ko'rsatishga hech o'rganmaslik kerak. Qo'llar – bu dirijorlik usullari majmuidagi eng muhim qismidir.

Ma'lumki, qo'llar kaftlar, bilaklar va elkadan iborat. Qo'llarning eng harakatchan va qayishqoq qismi -- kaft - eng nozik va turli-tuman harakatlarni: zarbali, hamla qiluvchi, doirasimon, silaydigan, itaruvchi va shu kabi harakatlarni bajarish uchun mo'ljallangan. O'qishning boshlanishida qo'llarning o'quvchi ilk paytlarda amal qilishi kerak bo'ladigan qandaydir o'rtacha bir holatini belgilab olish tavsiya qilinadi. Qo'llarning ko'krakdan sal pastroq darajada turgan holati qo'llarning eng tabiiy va erkin harakat qilishi hamda orkestrga ko'rinib turishi uchun eng qulay holat hisoblanadi.

Dirijorlikni qanday yo'llar bilan o'rganish mumkin? degan savolga faqat dirijorlik qilib deb javob berish mumkin.

Dirijorlik texnikasi nuqtai nazardan yuksak natijalarga erishish uchun dirijor o'zining texnik apparati va uning qismlarini nazorat qilib turish lozim. Bunga muskullarni ortiqcha kuch ishlatmasdan bo'sh va erkin holatda tutib turish orqali erishish mumkin. Shuning uchun muskullarni tarang holatini yumshatadigan mashqlar bilan (ayniqsa boshlang'ich davrda) ko'proq shug'ullanish kerak. Qo'llar harakat qilayotganda oyoq muskullari tarang holatda bo'lishi kerak emas. Bunga talaba boshlang'ich darslarda ahamiyat berib, doim nazorat qilib turish kerak, ayniqsa mezon sxemalarni o'rganayotganda. Ritmika, plastika darslari dirijorni umumiy harakatlarga yordam berib, ularni tarang holatini yumshatib, ixchamlik va aniqlik bag'ishlaydi. Xullas, dirijor apparatini erkinlashtirish, muskullarni tarangligini yo'qotishga turli mashqlar bajarish orqali erishiladi. O'z navbatida dirijor apparati bo'limlarining mustaqilligiga kerakli darajada erkinlik berib, o'zlashtirish jarayonini tezlashtiradi.

Mavzu yuzasidan savol va topshiriqlar

1. Dirijorlik texnikasi nima?
2. Dirijorlik harakatlari nechta qismdan iborat?
3. Dirijor kim va uning vazifasi nimalardan iborat?

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI QIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

1. Dirijorda qo'l harakatlarining qismlarini biling.
2. Dirijorning ifodali harakatlariga aniqlik kiriting.
3. Dirijor kim va uning vazifasi nimalardan iboratligini yana bir bora takrorlang.

O'LCHOVLAR (METRIK SXEMALAR)

Eng oddiy kuy qo'shiqni dirijorlik qilishdan oldin mezon sxemalarni tuzilishini (metrik sxemalar) o'rganib olish kerak.

Ular 3 xilga bo'linadi – oddiy, murakkab va aralash. Bitta kuchli hissasi (qismi) bor sxemalar oddiy turini tashkil qiladi: $2/16$, $2/8$, $2/4$, $2/1$, yoki $3/16$, $3/8$, yoki $3/2$, $3/1$

Bitta kuchli va nisbatan kuchli hissali hissalar bor sxemalar murakkab turini tashkil qiladi: $4/16$, $4/8$, $4/4$, $4/2$, $6/8$, $6/4$, $9/16$, $9/8$, $9/4$, $12/6$, $12/8$, $12/4$.

Aralash sxemalar qatoriga esa oddiylarning murakkablar bilan yoki murakkablarni oddiylar bilan o'zaro qo'shilgan birikmalari kiradi: $5/16$, $5/8$, $5/4$, $5/2$, $7/16$, $7/8$, $7/4$, $7/2$, $10/6$, $10/8$, $10/4$, $10/2$, $11/8$, $11/4$, $11/2$.

Asarning o'lchovidan qat'iy nazar har bir taktida (vazn birligi) kuchli va bosh hissalar mavjud. Murakkab va aralash o'lchovli taktlarda kuchli va nisbatan kuchli hissalar bor. Ularning hammasi dirijor qo'l harakatlarida o'z aksini topish kerak. Har bir taktning birinchi bo'laki (qismi) asosiy hissa deb xisoblanadi. U takti boshqa qismlariga nisbatan kuchliroq va faol harakat bilan ko'rsatiladi. Bu harakat tepadan pastga bo'ladi. Metrik sxemada bu harakatga takti birinchi bo'laki (qismi) «bir» («raz») to'g'ri keladi.

Ushbu «bir»ni davomi ijro etilayotgan asarni o'lchoviga bog'liq: agar birga bo'lsa unda tepaga:

«ikkiga» bo'lsa – unda o'nga

«uchga» bo'lsa - chapga

Har bir taktning bo'laki, u kuchli yoki kuchsiz qism bo'lishidan qat'iy nazar, jaranglash uchun qo'lni tayorgarlik imo-ishorasini talab qiladi. Bu jarayon «auftakt» deb ataladi. (U haqida batafsil suhbat keyinroq keltiriladi). Kelajak ovozlarni xarakter kuchiga mos auftakt beriladi. Bu daqiqani xonandani qo'shig'ini boshlashdan oldin nafas olishiga o'xshatsak bo'ladi. Endi metrik sxemalarni o'rganishga kirishamiz. Uni taktlash desak ham bo'ladi. Dastlab «Ikki» dan boshlaymiz.

Ikki hissali metr sxemaning takatlanishi

Har qanday asarni ijro etish jarayoni qo'lni tepaga ko'tarish orqali «bir»ga beriladigan auftaktdan keyin boshlanadi va qo'l pastga ketadi va pastdan urilib qaytgandan keyin kichkina ilgak (yarim sakkiztalikka o'xshagan) hosil qilinadi. Bu «ikki»ga auftaktdir. Yana tepaga chiqib «ikki»ni ko'rsatadi va «bir»ga bo'lgan auftakt bilan birlashadi. Shu bilan ikki hissali taktlash tugaydi.

Ko'pincha yosh dirijorlar «bir» va «ikki» o'rtasidagi yarim sakkiztalik ilgakka kerakli ahamiyat berishmaydi va «bir»dan keyin qo'l urilib qaytganda, ular «ikki»ni pastdan yuqoriga emas, tepadan pastga tushirishadi.

Uch hissali metr sxemaning takatlanishi

Bu metr sxemani boshqalaridan farqini ko'rsatish uchun, ayniqsa tez sur'atda, uni birinchi bo'lagini, ya'ni «bir»ni to'ppa-to'g'ri pastga emas, balki biroz chap tarafga (o'ng qo'l uchun va o'ng tarafga chap qo'l uchun) ko'rsatish kerak. So'ng yarim sakkiztalik ilgakni qilib, ikki hissali metr sxemasini qaytarish kerak. Oqibatda uchburchakka biroz o'xshagan rasm hosil bo'ladi.

Uchhissali metr sxemasi bajarilayotganda ayniqsa ikki qo'l parallel harakterlar qilayotganda, o'ng qo'l chap qo'l «hududiga» chap qo'l esa o'ng qo'l «hududiga»ga o'tib ketmasligiga (kesishuvga) ahamiyat berish kerak.


To'rt hissali metr sxemani takatlanishi

Auftakt (nemischa) – taktidan oldin tayyorlanadigan qo'l imo-ishorasidir.

2 hissali va 3 hissali metr sxemalardan so'ng navbatdagi 4 hissali metr sxemasi dirijorlik qo'l texnikasining murakkabroq darajasi hisoblanadi. Ulardan farqli o'laroq uning birinchi bo'laki, ya'ni «bir»ni o'ngga yoki chapga emas, balki to'ppa-to'g'ri pastga, vertikal, tushishi kerak. So'ng, tabiiy qayta sakragandan keyin, o'ng qo'l chap tarafga, chap qo'l esa o'ng tarafga harakatlanib, ikkinchi hissaga auftakt ko'rsatiladi. Shundan keyin 3 hissali metr sxemasi ishlatiladi.

Mazkur metr sxemani o'zlashtirib olayotganda uning birinchi va uchinchi hissalar bir joyga, ya'ni «bir»ning «uch» o'rniga kelib qolmasligiga va qo'llarning o'z «hududi»da bo'lishiga e'tibor berish lozim.

DIRIJORLIK HARAKATLARINING YO'NALISH CHIZGILARI



Mavzu yuzasidan savol va topshiriqlar:

1. Qanday o'lov turlarini bilasiz?
2. O'lovlar nima asosida farqlanadi?
3. To'rt hissali dirijorlik harakatida uchinchi hissa qaysi tomonga yo'naladi?

* * *

1. Aralash o'lovlarga misollar keltiring.
2. 6/4 o'lovidagi beshinchi hissaga auftakt olishni ko'rsatib bering.
3. Dirijorlik harakatlarining yo'nalish chizgilari asosida mashqlar olib boring.

AUFTAKT IJRONI BOSHQARISH VOSITASI SIFATIDA

Dirijorlik qilish – rahbarlik qilish, boshqarish demakdir. Ijroni boshqarish uchun dirijor nafaqat asarni hamda jamoa imkoniyatlarini puxta bilishi, nafaqat o'z badiiy talablarini ijrochilarga aniq belgilab berishi, balki repetitsiya mashg'ulotlarida ham, konsert chiqishlarida ham ijrochilik texnikasi yordamida mana shu o'z talablarining ro'yobga chiqarishga erishishni uddalay olishi kerak.


O'z ijrochiligidagi mavjud xususiyatlar tufayli dirijor tovush hosil qilish jarayonida bevosita ishtirok etmaydi, u faqat ijrochilarni shunday harakatga rag'batlantiradi. Dirijor va ijrochilarning vazifalar nuqtai nazaridan bir-biriga qaramligi asosan uchta jihat bilan belgilanadi.

Dirijor quyidagilarni ko'rsatadi:

- a) sadolanish boshlanadigan joyini. Bu barcha jamoa, ijrochilar guruhi, bir yoki bir nechta yakkanavozlar bo'lishi mumkin;
- b) sadolanish boshlanadigan vaqtni;
- v) sadolanish mazmunini, ya'ni uning xarakteri, tempi, nyuanslari, shtrixlari va h.k.

Bunda dirijorning ko'rsatmalaridan kelib chiqadigan barcha talab va niyatlari ijrochilar jamoasiga sadolanish boshlangunga qadar mutlaqo tushunarli bo'lishi kerak.

Bundan kelib chiqadiki, dirijorlik qilishning butun jarayoni haqiqiy sadolanishdan go'yoki qandaydir juda qisqa vaqtga oldinroq kechadi: dirijor oldindan ijrochilar jamoasiga ijodiy istaklarini etkazadi, jamoa esa, uning yangi ko'rsatmalarini kuzata borib, ularni o'z vaqtida bajarishga ulguradi. Dirijorlikda haqiqiy sadolanish oldindan bajariladigan mana shu harakat, ko'rsatish auftakt deyiladi.



6/4 ўлчови

“Sadolanishga ta'sir o'tkazish imkoniyati – buni butun qat'iylik bilan ta'kidlash lozim – takt olib borishda emas, faqat boshlang'ich harakatga tayyorgarlik (auftakt)dagina mavjud. U orkestrning birgalikda sadolanishi boshlanish nuqtasidan oldin keladigan boshlang'ich harakatning juda qisqa onida yashiringan. Ushbu auftakt, shu tayyorgarlikning xarakteriga mutlaqo qonuniyatli aniqlikda sadolanish ham bog'liq. Ijrochilik mahorati yuqori bo'lgan orkestrda dirijorning hatto eng kichik va mayda harakatlari ham ajoyib aniqlik bilan aks etishi hatto tajribali dirijorni ham takror va takror hayratga soladi”, ijroning boshlanishi yoki pauzadan so'ng auftakt ko'proq seziladi; ijro jarayonida esa u turli-tuman ko'rinishda bo'ladi, bunda u nafaqat qo'llarning bo'shliqdagi tayyorlanish harakatlarinigina emas, balki kam sezilarli, ba'zida qo'llar, panja, barmoqlarning faqat ijrochilargagina tushunarli bo'lgan harakati, tana yoki boshning burilishi, dirijorning barcha jamoaga yoki alohida ijrochilarga qaratilgan ogohlantiruvchi nigohi, uning sezilar-sezilmas imo-ishoralari ifodalaydi.

Masalaning muhimligini inobatga olib, yana bir marta ta'kidlash kerakki, dirijorning jamoaga yo'llaydigan belgilari, signallari, haqiqiy sadolanishdan oldin ro'y beradi va u dirijorlik qiluvchining avvaldan ko'rsatadigan aynan o'sha tovush sadolanishini keltirib chiqaradi. Dirijor ijrochilar jamoasiga u yoki bu vazifani bajarishni oldindan belgilab beradi, o'z irodasiga bog'liq bo'lmagan holda paydo bo'lgan haqiqiy sadolanishni aks ettirmaydiki, bu narsa dirijorlik san'ati, ijroga rahbarlik qilish san'ati nuqtai nazaridan yaqqol bema'nilik bo'lar edi.

Shunday qilib, dirijorlik qilishdagi auftakt go'yo chaqmoqlarning uzilmas aloqa zanjirini dirijor va ijrochilar o'rtasidagi munosabatning juda kerakli sharti, dirijor tasavvurida yashaydigan tovush obrazidan dirijor ko'rsatib bergan haqiqiy sadolanish sari tashlangan ko'prikdir.

Agar dirijorlik san'atining ushbu markaziy jihatiga rioya qilinmasa, agar dirijorlik jamoaning haqiqiy javob sadolanishidan ilgari kelmasa, uni hayotga chorlamasa, – unda butun dirijorlik jarayoni har qanday ma'nosini yo'qotadi, musiqa sadolari ostidagi gimnastikaga aylanadi, dirijorlik jarayoni bilan hech qanday umumiylikka ega bo'lmaydi. Dirijorlik bilan guruhli mashg'ulotlarni shunday musiqa ostidagi gimnastika turiga kiritish mumkin, afsuski hozirgi kunda ham ayrim pedagoglar tomonidan bu amalda qo'llanadi.

“Shunday qilib, auftaktda talqin xarakteriga, orkestrning ijro uslubiga ta'sir qilish uchun dirijor ixtiyoridagi barcha imkoniyatlar mavjud...”.

Sadolanishdan oldin ketuvchi, uni ilgarilovchi auftakt texnikasi dirijorlik ijrochilik texnikasining birlamchi asosi, badiiy ansambl garovi; yaxshi o'zlashtirilgan auftakt ijroga rahbarlik qilish san'atidir.

Ijro jarayonida auftaktning his-tuyg'uli tomonlari ustida ishlash muhim ahamiyatga ega. U birinchi darslardan boshlanadi; uning muvaffaqiyatli bo'lishi nafaqat o'quvchining iqtidoriga, balki o'qituvchining o'z o'quvchilarida bu muhim jihatni takomillashtirishga bo'lgan doimiy e'tiboriga ham bog'liq.

Auftaktning turlari ko'p bo'lib, har bir vaziyat o'zining ogohlanturuvchi qo'l ishorasini talab qiladi. Masalan bir ga ko'rsatiladigan auftakt ikki ga ko'rsatiladigan auftaktdan farq qiladi, va hokazo.

Xullas asarni barcha boshlanishlari, ovozlarni qo'shilishi, kuyni xarakteri, tezligi, va hokazolar (stakkato, legato) faqat auftakt bilan ko'rsatiladi.

Auftaktning vaqti asarni (tempi) tezligiga bog'liq va taktning bir hisobli qismiga baravardir. Taktning qaysi hissasi yoki ushbu hissaning qismini ko'rsatishiga ko'ra to'la yoki noto'la auftakt beriladi.

Auftaktni tayyorlash jarayonida, auftakt berish uchun qo'l metr sxemaning yo'nalishiga binoan oldingi hissaliqni o'rnida bo'lish kerak. Birinchi hissa ko'rsatiladigan bo'lsa qo'l biroz o'ng tarafda bo'lib «bir»dan balandroq holatda turishi kerak. Uni «bir»dan yaqin-uzoqligi asarni dinamika va tezligiga (sur'atiga) bog'liq.

Auftakt asosan uchta elementlardan iborat.

1) qo'lni ko'tarish – yuqoriga harakat, 2) tushirish – pastga harakat, 3) yakunlovchi zarb. Undan keyin qo'l urilib beixtiyor orqaga qaytadi. Bu elementlarni birinchi va ikkinchisi o'zaro yaqin bo'lib, sabab va oqibatdek xal qiluvchi rolini bajarishadi. Asar tezligiga qarab qo'l ko'tarilishi tez sekin yoki yumshoq bo'lishi mumkin. Qo'lni ko'tarish va pastga harakati vaqti o'zaro baravar bo'lishi kerak. Pastga tushishda qo'lni ortiqcha tezlatishi tenglikni buzadi. Ba'zan, auftaktni to'g'ri berish ahamiyatini uncha yaxshi tushunmagan yosh dirijorlar repetitsiya jarayonida ortiqcha vaqt sarflashadi. Ijrochilar uchun tushunarli auftakt bera olmagan uchun u bir xil parchalarni ko'p marta qaytaradi. Bu esa musiqachilarni jig'iga tegishi mumkin.

Asar boshlanishini sifatli ko'rsatish umum ijroga ta'sir qiladi. Uning tezligi (tempi), dinamikasi (harakat o'zgarishi) xarakteriga binoan ijrochilarni birgalikda, bir vaqtda tushishini ta'minlab berish dirijorning asosiy vazifalaridan biridir. Asarni boshlashdan oldin ijrochilar diqqatini o'ziga jalb qilish qobiliyatini ko'rsatib, aniq va tushunarli, boshqa qo'l harakatlardan farq qikulvchi auftakt bilan ijroni boshlash kerak. Agar yuqorida qayd etilgan dirijorni ko'z qarashlari ijrochilar tomoniga qaratilgan bo'lmasa bu ikkala harakat auftakt va ko'rsatish, o'z ma'nosini, aniqligini, ravonligini, ta'sirchan kuchini yo'qotgan bo'ladi. Ijrochilar tomoniga qaratilgan dirijor ko'z qarashi asarni kirishini ko'rsatayotgan qo'l harakatlarni jonlantirayotgandek bo'lib, dirijor va ijrochilarni bir biriga yaqinlashtiradi, munosabatlarini mustahkamlaydi. SHuning uchun o'qishni boshlanishidan orkestr o'rniga fortepiano chalayotganda, talabani fortepianoga emas, balki orkestrga dirijorlik qilayotganini tasavvur qilib, partitura binoan, kirishayotgan cholg'uchilar va cholg'uchilar gruppasiga qarab auftaktlar berishini o'rgatish kerak.

Asarni yoki uning qismini boshlanishini ko'rsatish, ijro jarayonida ko'rsatishga qaraganda, juda ma'suliyatli daqiqa xisoblanadi va dirijordan ko'proq tayyorgarlik ko'rishni talab qiladi. Agar dirijor oldindan partituraning sinchliklab o'rganib, ijro rejasini tuzib, barcha mayda tafsilotlarni ham o'z e'tiborga olib chiqqan bo'lsa, u qo'lni ko'tarishdan oldin qanday tezlik va xarakterda auftakt berishini biladi albatta. Dirijorni barcha harakatlari – poyaga ko'tarilib, ijrochilarga ko'z tashlashi, qo'l ko'tarib auftakt berishi – bitta

maqsadga qaratilgan: u ham bo'lsa faqat ijrochilarni emas, balki tinglovchilarni ham diqqat-e'tiborini o'ziga jalb qilib musiqani etitishga psixologik tayyorgarlik ko'rishdir. SHuning uchun dirijorning bu pallada ixchamlik va erkin holatda bo'lishi nihoyatda zarur.

Mavzu yuzasidan savol va topshiriqlar

1. Dirijorlik nima?
2. Auftakt deganda nimani tushunasiz?
3. Murakkab o'lchovdagi har hissaga alohida auftakt berish mumkinmi?

* * *

1. Auftaktlarda turli temp va dinamikalarni ko'rsatishga harakat qilib ko'ring.
2. Auftakt elementlarini puxta o'zlashtirib oling.
3. Oynaga qarab dirijorlik qilish orqali o'zingizni nazorat qiling.

DIRIJOR TAYOQCHASI

Dirijorlik qilishda tayoqchani roli juda katta. Kaftning harakatlarini yanada seziladigan qilish uchun ham tayoqcha kerak bo'ladi. Dirijor tayoqcha bilan ishlashni mukammal o'rganib olishi lozim. Tayoqcha qo'l bilan uyg'un harakat qiladi va go'yoki uning tirik davomchisi kabi ish beradi.

Tayoqcha qo'lni «uzaytirgandek» bo'ladi va dirijorlik qilishda olis masofadan ham harakatlarning ko'rinib turishiga yordam beradi. SHu bilan birga qo'lning tayoqcha yordamida «uzaytirilishi» harakatlarning biroz tejalishiga ham imkon beradi. Tayoqcha dirijorning harakatlariga yanada aniqroq va keskinroq tus beradiki, bu ayrim hollarda ijro paytida katta rol o'ynaydi. Tayoqcha frazadagi belgilarni va navbatlilikni aniqroq ifodalashga va bu bilan musiqadagi artikulyatsiyani ancha nozik his etishga xizmat qiladi. Tayoqchani qo'lida bemalol ushlab turish, qattiq qismalik kerak. Tayoqchani to'g'ri ushlab turish uchun uni qattiq qisish shart emas.

Tayoqchani ishlatish usuli har doim har bir dirijorning o'ziga bog'liq bo'ladi va uni albatta bir xilda ishlatadigan ikkita dirijorni uchratish qiyin. Pedagogik amaliyotda ko'pincha o'quvchiga qo'lni harakat qildirish bilan birga tayoqchani ushlab turishning asosan pedagogning o'ziga odat bo'lib qolgan qandaydir bir usuli ham o'rgatiladi. Ba'zan pedagoglar o'quvchilarning o'zlariga tayoqchani ushlashning ularga ma'qul bo'ladigan usulini topishni maslahat berishadi.

Shubhasiz, barmoqlarning uzunligi, kaftning shakli va shu kabilar dirijorning tayoqchani o'ziga xos tarzda ushlashiga sabab bo'ladi. Biroq o'quvchi hamma vaqt

ham tayoqchani dirijorlik qilishda qulay bo'ladigan va ifodali harakat qilishga yordam beradigan tarzda ushlaydigan holatni topa olmaydi. Ko'pincha tayoqcha ishni endi boshlayotgan dirijorga xalaqit berishi ham mumkin. Masalan, qo'lda mahkam qisilib turgan tayoqcha engil tusli ijroni ifodalash kerakligini sezdirmasligi mumkin. Va, aksincha, ikki-uch barmoq bilan qo'l uchida tutib turilgan tayoqcha jo'shqin, jadal sur'atli musiqani ifodalay olmasligi mumkin. Dirijorning qo'lidagi tayoqcha tovush bilan hamohang bo'lib ketadi. Ana shunday hamohanglik musiqaning jaranglash kuchi haqida to'g'ri tasavvur uygotadi.

Tayoqchani ushlab turishning bir necha usullari bor. Bunday usullarning har biri qo'lning muayyan tusdagi harakat qilishi bilan bog'liq. Ularning hammasi bir-biridan farq qiladi.

Tayoqchani birinchi holati. Tayoqcha bosh va ko'rsatkich barmoqlar bilan ushlab turiladi va uning bir uchi boshqa tomonga, chapga qarab turadi, boshqa tomoni esa – kichik barmoqning ostiga tegib turadi.

Jo'shqin harakatlarni bajarish paytida oldingi uchta barmoqlar dastaning uchini kichik barmoqning ostiga qisib ushlab turishi mumkin: kaft bilan engil harakatlarini bajarishda oxirgi ikkita barmoqlarni tayoqchadan tortib turib, uni faqat uchta barmoq bilan, ba'zan – hatto ikkita bosh va ko'rsatkich barmoqlar bilan tutib turgan ma'qul. Bunda tayoqchani dastasi kaftga tegmasligi kerak.

Tayoqchani hamma barmoqlar bilan ushlab, mushtning orasida qisib turish mumkin emas, chunki bu kaftning harakat qilishini qiyinlashtiradi.

Tayoqchani ushlab turishning ushbu ko'rsatilgan usulining o'ziga xos xususiyatlari va ifodalash xossalari nimadan iborat? Uchi chetga qarab turgan tayoqcha panjani uzaytirmaydi va, binobarin, panjani harakatlari tebranishini ko'paytirmaydi, lekin bunday harakatlar ancha sezilarli bo'ladi. Tayoqchani ushlab turishning bu usulida tovushning boshlanishi tayoqchani uchi bilan emas, balki ayni bir vaqtda uning hamma nuqtalari, boshqacha aytganda, - panja bilan ko'rsatiladi.

Tayoqchani ushlab turishning ikkinchi holati birinchi holatga nisbatan diametral qarama-qarshidir. Uni o'zlashtirish biroz qiyinroq; birinchi usulni o'zlashtirgandan keyin bu usulga murojaat qilish to'g'ri bo'ladi. Ikkinchi usulning ifodalash diapazoni kengroq, xilma-xilroq. U birinchi usuldan shunisi bilan farq qiladiki, bu o'rinda tayoqchani uchi chetga emas, balki oldinga qaratib turiladi. Tayoqchani oldingi ma'lum usul bilan ushlab turib bunday holatni topish mumkin: uchinchi barmoqni biroz bukib (taxminan kaftgacha), bosh barmoqni sal oldinga cho'ziladi. Tayoqchani uchi oldinga qarab cho'zib turiladi.

Tayoqchani geometrik aniq holatda turishiga intilmaslik kerak, chunki bu panjani maxsus chetga qayrilishini talab qilishi mumkinki, bunday holat harakatlarning erkinligini siqib qo'yadi.

Tayoqchani ushlab turishning ikkinchi usulida tayoqcha qo'lning davomi sifatida ish yuritadi va panjani harakatlari tebranishini ancha ko'paytiradi. Tayoqcha tovush bilan faqat uchi orqali bog'lanishiga qaramasdan undan musavvirning mo'yqalami sifatida foydalanish va ijroning eng nozik suratlarini chizish ham mumkin.

Tayoqchani ushlab turishning bunday usulida (barmoqlarning uchi bilan ushlab turishda) tayoqchani harakatlariga ancha engil, nozik tus berish mumkin. Tayoqchani ushlab turish sohasi -- bu yakkaxon ijrochilik, engil skersoz tusdagi, kantilen, legato musiqasidir.

Bunday usulning qimmatini shundaki, u qo'lning panjasi harakatlarini qo'lning boshqa qismlaridan alohida tarzda bemalol ishlatishga imkon beradi.

Masalan, valslarga yoki qismlarning triol sur'atlariga dirijorlik qilishda panjani har xil harakatlardan foydalanish mumkin. Tayoqchani ushlab turishning ikkinchi usulining yana bir variantini ko'rsatib o'tamiz. U ko'rsatkich barmoq tayoqchani yonida emas, balki tepasida turganida hosil qilinadi.

Tayoqchani uchi maxsus ijrochilarga (yoki kichik bir guruhga) qaratilgan holatida turganida solistga nisbatan nozik, poetik tusdagi, sekin aytiladigan va jo'r bo'linadigan obrazlarning ifodalanishi uchun qo'llaniladi. Tayoqchani bunday holatdan bemalol boshqacha holatga keltirish mumkin. Tayoqchani ushlab turishning uchinchi holati bunda panja qirrasiga buriladi, ya'ni taxminan 90 gradusga o'ng tomonga buriladi.

Panjani bunday burilishi o'ngga, chapga, doira bo'yicha harakat qilish uchun qulaylik yaratadi. Dirijorlar skerso tusdagi musiqani ko'rsatishda doirasimon harakatlardan ko'p foydalanishadi.

Tayoqcha nozik asbob bo'lib, undan mohirlik va ehtiyotkorlik bilan foydalanish kerak. Tayoqchani ushlab turgan qo'lni harakatlariga diqqat bilan e'tibor qilish va ijrochilar tayoqchani uchiga qarab turgan paytida ularga xalaqit beradigan tamtaroqlikka yo'l qo'yish mumkin emas.

Ijrochilar odatda sur'ati pastroq va unchalik jo'shqin bo'lmagan musiqani ijro etishda tayoqchani harakatlari ancha sezilarli bo'lganida tayoqchani uchini kuzatib turishadi.

Jo'shqin va harakatchan musiqaga dirijorlik qilishda qo'llaniladigan ko'p tebranadigan imo-ishoralar tabiiy ravishda ijrochilarning e'tiborini tayoqchadan dirijorning qo'llariga qaratadi. Bunday hollarda tayoqcha uchining harakatlarining biroz harakatchanligi ijro ansambliga ta'sir qilmaydi va hatto dirijorlikning ifodaliligini oshirish uchun o'ziga xos vosita bo'lib xizmat qilishi mumkin.

Tayoqcha katta yordam beradi, chunki tayoqchani qo'lga ushlabda qo'l «qurollangan» kabi ish yuritadi. Tayoqchani ushlab turgan qo'l uzunroq, elastikroq

ko'rinadi, tayoqcha panja yoki barmoqqa nisbatan olisdan aniqroq ko'zga tashlanadi, tayoqchani uchi dirijorlik markazi bo'lib tuyuladi. U panja va barmoqlarning eng kichik harakatini ham aniqroq ko'rsatadi. Agar tayoqcha haqiqatan ham «qo'lning davomi» bo'lib, u xalaqit beradigan, zid keladigan, sur'atni buzmaydigan bo'lsagina yaxshi samara beradi.

Tayoqcha «jonli» bo'lishi kerak. Shunda u dirijorga va orkestrga foydali bo'ladi. Orkestrdagi har bir musiqachi buni yaxshi biladi. Agar tayoqchani uchi dirijorlik qilayotgan bo'lsa, u kerakli, foydali asbob hisoblanadi. Mashhur dirijor Artur Nikish tayoqchani eng mohir ustasi bo'lgan. U har doim tayoqchani uchi bilan dirijorlik qilish kerak, der edi. Rixard SHtraus ham shunday derdi, uning dirijorlik qilishi taktlashning g'oyat aniqligi bilan ajralib turgan. Tayoqchani uchi taktlarning ushbu musiqaga mos keladigan figuralarini chizishi va orkestr dirijor bildirmoqchi bo'lgan auftaklardan tortib eng nozik va murakkab dirijorlik imo- ishoraligacha hamma narsani aynan tayoqchani uchi orqali bilib olishi lozim. Ba'zan dirijor qo'li bilan tayoqchani uchi har doim bir joyda qoladigan holdagi harakatni bajaradi. Shunda tayoqcha dirijorlik qilishda ishtirok etmaydi, balki unga xalaqit beradi. Umuman olganda, agar qo'l tayoqcha bilan uyg'un bog'liq bo'lmasa, unda sur'atni buzilishi mumkin, bu ansambl uchun doim xavfli bo'ladi.

Tayoqcha hammaga aniq ko'rinib turishi kerak. Bu avvalo qo'lning holatiga bog'liq: qo'lni tayoqcha dirijorlik pultining orqasidan orkestrga ko'rinmaydigan holatda bo'lmasligi lozim. SHuningdek, har ikkala qo'llarni bosh ustida tutib turmaslik va qandaydir noaniq va notanish aylanma harakatlarni bajarmaslik kerak. Dirijor o'z gavdasi bilan tayoqchani orkestrning boshqa qismiga ko'rinmaydigan qilib bekitib qo'ymasligi kerak. Qisqacha aytganda, dirijorning tayoqchasi eshitilmaydigan, ko'rinadigan belgini etkazish quroli ekanligini unutmaslik zarur. Orkestr a'zolari o'z partiyalari bilan band bo'ladi va tayoqchaga o'ynamayotgan vaqtida yoki qiyalab qarashi mumkin. Dirijor tayoqcha hech qachon ijrochilarning qarash doirasidan chetga chiqmasligi va har doim ularga ishonchli mayoq bo'lishi haqida o'ylashi kerak.

Lekin ko'p dirijorlar tayoqcha bilan dirijorlik qilishni afzal ko'rishadi. Demak, unda dirijor uchun qandaydir kerakli bo'lgan ma'lum xususiyatlar mavjud. Darhaqiqat tayoqcha, opera, balet, operetta, kantata-oratoriya janrida yozilgan asarlar ijro qilinayotganida sahnaning orqa tomonida turgan ijrochilarga dirijorning metr sxemasini aniqroq namoyon bo'lishiga yordam beradi. Musiqachilar bir joyda qimirlamasdan o'tiradigan simfonik va kamera musiqasi konsertlarda tayoqchasiz dirijorlik qilish ijroga xech qanday putur etqazmaydi. Aksincha, o'ng qo'lning bo'sh va erkin panja va barmoqlari dirijorning ta'sirchan harakatlarini kuchaytiradi. Lekin to'g'ri ishlatilsa, xuddi shunday

natijalarni tayoqcha bilan ham ko'rsatsa bo'ladi. Albatta vaziyatga qarab tayoqchadan o'rinli foydalanish kerak. Xo'sh ushbu tayoqchani tuzilishi qanaqa? O'rta tayoqcha uzunligi 40-45 sm bo'lib, sirg'alib ketmasligi uchun uning qo'l ushlab tomoni po'kakli bo'lsa maqsadga muvofiqdir. O'quvchiga mashg'ulotlar boshidan uni to'g'ri ushlabni o'rgatish kerak. Buning uchun u kaftni o'rtasiga taqalgan bo'lib, barmoqlar bilan ustidan bosilib turadi. Uning o'tkirlashgan, ingichkaroq uchi esa chapga emas, orkestr tomonga qaratilgan bo'ladi. Shunda qo'l muskullari, panja, barmoqlar taranglikdan xoli bo'lib, bo'sh, erkin holatda turishiga katta ahamiyat berish kerak. Metr sxemalarni taktlanishi to'g'ri bajaralayotganiga ishonch xosil qilgach, tayoqcha bilan dirijorlikka o'tish mumkin.

Yuqorida bildirilgan fikr-mulohazalarni inobatga olgan holda, biz keyingi sahifalarimizda o'zbek halq cholg'ulari orkestri bilan dirijorlik ko'nikmalarini egallash va mustahkamlash maqsadida amaliy mashg'ulotlar o'tkazish uchun badiiy asarlar tavsiya etamiz.

Mavzu yuzasidan savol va topshiriqlar

1. *Dirijor tayoqchasi qanday vazifani bajaradi?*
2. *Dirijor tayoqchasining holati deganda nimani tushunasiz?*
3. *Dirijor uchun tayoqcha bo'lishi shartmi?*

* * *

1. *Dirijor tayoqchasining shakli, hajmi, uzunligi qanday bo'lishi kerakligi haqidagi ma'lumotni o'rganing.*
2. *Dirijor tayoqchasi bilan mashg'ulotlar olib boring.*
3. *O'zlashtirgan bilimlaringizni takrorlang va puxtalashtiring.*

КИРИШ

Ҳозирги замон Ўзбекистон мусиқа маданияти ўта мураккаб жараён сифатида гавдаланади. Унинг серқатлам бисотидан ўзбек миллий зарбли чолғулари учун яратилган мусиқаси алоҳида ўрин тутди. Қадим-қадимлардан етиб келган бу санъат, XX аср мобайнида тубдан ўзгара бошлади, янги изланишлар билан бойитилди, янги ижрочилик йўналишларнинг вужудга келишига асос солди.

Эслатиш жоизки, XX аср бошларида Ўзбекистон мусиқа маданиятида муҳим тарихий воқеалар содир бўлди. Миллий анъанларига таянган оғзаки касбий мусиқа ижрочилиги билан бир қаторда нота ёзувиге асосланган композиторлик ижодиёти шакллана бошланди. 1938 йилда Ўзбекистон давлат филармонияси қошида нота билан ижро этиладиган ўзбек халқ чолғулари оркестри тузилди. Бу жамоанинг репертуарини тузиш ва кенгайтириш мақсадида кўпгина Ўзбекистон композиторлари нота ёзуви кўринишдаги мусиқа асарларини нафақат якка чолғулари учун, балки махсус чолғу ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратишни бошладилар. Ушбу асарларни, айниқса, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун басталанган куйларни ижро этишда дирижёр малакасига эга бўлган мутахассиснинг ўрни бекиёсдир.

1930 йилларнинг охирида Ўзбекистонда оркестр ижрочилигига сезиларли даражада эътибор берилди бошланди. 1948 йили Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида ташкил этилган ўзбек миллий халқ чолғулари оркестрига дирижёрлик фани ҳам киритилди. Шу йили Тошкент давлат консерваториясида “Ўзбек халқ чолғулари” кафедраси ташкил этилди. Унинг дастурларида юқорида қайд этилган маданиятга хос чолғуларнинг ижрочилик санъати тажрибаси ўз ўринини топди. Йиллар давомида мазкур таълим йўналишида юзлаб мутахассислар, яъни, халқ чолғулари ижрочиларини ҳамда ўзбек халқ оркестрлари дирижёрлари тарбияланди. Улар ҳозирда республикамизда ҳамда турли хорижий мамлакатларнинг ижодий жамоалари ва таълим даргоҳларида самарали фаолият олиб бормоқда. Уларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, XX аср биринчи ярмида бошланган янгиланиш жараёнлари чуқур илдиз отди, мевали дарахтга айланди ва сермахсул натижаларга эришишга замин яратди.

Мустақил Ўзбекистон даврида таълим тизимида Ўзбек халқ чолғулари ихтисослиги билан бир қаторда дирижёрлик бўйича таҳсил олаётган талабалар ҳам ижрочилик ва дирижёрлик ижро сирларини пухта ўзлаштирмоқдалар.

Ушбу тақдим этилаётган ўқув қўлланма педагогика таълим соҳасидаги “Мусиқа таълими” йўналиши учун ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари асосида ёзилган. “Мусиқа таълими” кафедрасига тегишли дирижёрлик фани бўйича ўқув режасида белгиланган соатлар миқдори ҳажмида “Дирижёрлик синфи” фанини талаб даражасида ўқитиш мақсадини кўзламоқда. Мазкур дарс гуруҳли таркибда амалий тарзда ўтказилаётган бўлсада, намунавий ўқув дастурининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда,

ўқитувчи ҳар бир талабанинг касбий ўсишига алоҳида аҳамият бериши мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

5111100 - Мусиқа таълими бакалавриат таълим йўналишининг Давлат таълим стандартида белгиланган талабларга мос равишда, ўқув режасига киритилган “Дирижёрлик” фани учун кўрсатилган соатлар ҳажмида, ўқув дастури мавзулари, фаннинг услубиёти ва талаблари асосида яратилган ушбу ўқув қўлланма мазмунида замонавий педагогик қарашлар, асарларни ўрганишнинг муҳим жиҳатлари, мусиқий таълим жараёнида эришилган самарали натижалар, йиллар мобайнида тўпланган қимматли тажрибалар ўзининг ифодасини топган. Фан ўқув дастурининг асосий мақсади талабанинг ўзлаштирган билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ижро маҳоратини юксалтириш, касбий билим ва тафаккурини янада кенгайтириш билан бирга уни пировард натижада халқ чолғулари бўйича “Дирижёрлик” синфига ўқитувчи сифатида мустақил касбий иш фаолият кўрсатадиган, юқори мусиқа ижрочилик маҳоратига эга кадрларни тайёрлашдир.

Мазкур фанни ўзлаштиришда таълимнинг замонавий методлари (хусусан, интерфаол), педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ижодий ўқув жараёнида унумли қўлланилади. Ахборот-ресурс марказлари компютерлари, “Интернет”, “Зиёнет” каби ахборот ресурс тармоқлари, махсус Веб-сайтлар саҳифаларидан унумли фойдаланиш, махсус ўқув адабиётлари – дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, методик тавсиялар, нота графикаси юзасидан амалий компьютер дастурларидан кенг фойдаланиш назарда тутилади.

МУАЛЛИФДАН

Ўзбекистонда бугунги кунда ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётининг янги босқичига кўтарилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикуасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегияси” дастуруламал бўлмоқда. Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи ва бешинчи устувор йўналишларида ижтимоий соҳанинг барча йўналишлари қаторида *муסיқа санъатини* ривожлантириш вазифалари ҳам белгиланган. Унга кўра, *биринчидан*, муסיқа санъати ривожини янги босқичга олиб чиқиш; *иккинчидан*, соҳада профессионал кадрлар тайёрлашни кучайтириш ва ёшларни муносиб тарбиялаш; *учинчидан*, тажрибали санъаткорларнинг ютуқларини ўрганиш, тарғибот қилиш ва жаҳон муסיқа санъати мумтоз намуналарини ўзлаштириш; *тўртинчидан*, муסיқа санъати намуналарини бутунлай янги ёнча ёндашувлар асосида тадқиқ этиш ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янгилаш; *бешинчидан*, муסיқа санъати мутахассисларининг илмий, профессионал ва ижтимоий маҳоратларини юксалтириб бориш вазифаларини амалга ошириш лозим бўлади. Шу жиҳатдан бу вазифалар муסיқа санъатининг *муҳим таркибий қисмларидан дирижёрлик санъатини* ҳам ривожлантиришга бевосита боғлиқдир.

Дирижерлик санъати ижодий фаолиятнинг шундай ноёб турики, у бевосита дирижернинг ижрочилар жамоаси билан уйғун муносабатларида вужудга келади. Дирижер чолғучилар, вокал хонандалар, режиссерлар каби асарнинг ғоявий мазмунини очиб беришда фаол иштирок этувчи шахслар билан ҳамкорликда ишлайди. Дирижерлик касби бениҳоя мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, ҳар томонлама мукамал билимлар соҳиби бўлишни ва ўз навбатида бир олам вазифаларни изоҳлаб, тенг тақсимлай олишни ҳамда бутун ижрочилар жамоасининг талқинини бирлаштиришдек оғир маъсулиятни қамраб олади.

Дирижерлик соҳасида адабиётлар кўплаб учрайди ва уларни автобиографик, мемуар, таҳлилий-ижрочилик, монографик ва ўқув амалиётида қўлланиладиган бошқа адабиёт гуруҳларига ажратиш мумкин.

Шунингдек айтиш жоизки муסיқий педагогикада мазкур мутахассислик бўйича профессионал дирижерлик санъати талабларига жавоб бера оладиган ўқув ва методик адабиётларга ҳам эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда ўз услубларимиз доирасида дирижерлик курсини қисман бўлсада, ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Бунда асосий эътибор бўлажак дирижёрнинг мустақил фаолиятида зарур бўладиган маълумотларни беришга қаратилди.

Қўлланмада бирор-бир янгилик очишга даъвогарлик қилмаган ҳолда дирижерлик маҳорати ва ифода воситалари хусусида тўхталиб ўтилган.

Дирижёр – катта ижодий жамоанинг раҳбари, ташкилотчиси, тарбияловчиси ҳисобланади. У маданиятли, ҳар томонлама ўқимишли бўлиши шарт. Шунинг учун дирижёрликни ўрганишдан олдин албатта

бирор бир чолғуда (фортепиано, скрипка, виолончел ёки халқ чолғуларидан бирида) ижро эта оладиган бўлиш зарур.

Бундан ташқари, дирижёрнинг эшитиш қобилияти ниҳоятда ўткир бўлмоғи лозим. Агар у мутлоқ эшитиш (абсолютный слух) қобилиятга эга бўлса, ундан ҳам яхши. Чунки оркестрни, ҳатто товушларни созлашда яхши эшитиш катта ёрдам беради. Бироқ мутлоқ эшитиш қобилияти дирижёр учун ҳал қилувчи омил эмас.

Агар дирижёр партитурага қараб муסיқий чолғулар жарангини фортепиано ёки бошқа асбоб ёрдамисиз эшита олса, демак унинг эшитиш қобилияти яхши ривожланган, дейиш мумкин. Партитурани «эшитишда» нафақат товушларнинг жаранглаши, балки уларнинг бадий аҳамияти ҳам ҳисобга олинади. Дирижёрга муסיқий ҳикоянинг қайси жойи ҳозир жаранглапти ва бир дақиқадан сўнг қайси қисми жаранглашини аниқлаш учун фақат ривожланган эшитиш қобилиятигина ёрдам беради.

Ёш дирижёрнинг ўзига хос бадий хусусиятларининг (индивидуаллиги) шаклланиб, билим доирасининг чуқурлашишида муסיқий назарий фанлар бир қаторда, фалсафа, эстетика ва санъат турларининг тарихи хусусидаги билимларини ошириб бориши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, баркамол дирижёр шахсининг шаклланишида унинг маънавий қизиқишлари ҳам улкан аҳамият касб этади.

ДИРИЖЁРЛИККА КИРИШ

Барча мусиқий-ижрочилик санъати каби дирижёрлик соҳасидаги мутахассис, ўз "чолғуси" билан доимий мулоқотида, яъни дирижёрнинг оркестр ёки хор билан ишлаш жараёнида ривожланади ва такомиллашади.

Аммо, таълимнинг дастлабки даврида бир томондан дирижёрлик ва иккинчи томондан барча бошқа ижрочилик мутахассисликлари ўртасида қуйидаги фарқлар мавжуд: хонанда, скрипкачи, пианиночи ёки исталган бошқа чолғучи биринчи дарсдан бошлаб ўз чолғуси билан бевосита, жонли мулоқотда бўлади, дирижёр эса, агар у ижрочилик жамоаси билан биринчи учрашувгача махсус дирижёрлик тайёргарлиги бўлмаса, оркестр ёки хор билан иш бошлай олмайди. Ҳатто энг қобилиятли ва билимдон мусиқачилар ҳам, етарли даражада жиддий дирижёрлик мактабини ўтамай, оркестр репетицияси ёки концерт ўтказишга ҳаракат қилганларида, ўзларини ожиз сезганлар, баъзида эса катта муваффақиятсизликка учраганлар.

Ҳозирги кун амалиётида бўлажак оркестр ёки хор ўрнини босувчи пианиножчи-жўрнавон (концертмейстер)лар иштирокида, синф шароитида аввалдан дирижёрликка ўргатиш тизими йўлга қўйилган.

Пианиночи-концертмейстерлар ижросига амалий раҳбарлик қилиш, фаолиятини энди бошлаётган мусиқачига дирижёрлик санъати билан танишиш, ишчан ижодий дирижёрлик-ижрочилик фаолиятида дирижёрлик техникаси асосларини эгаллашга бу жараён ёрдам беради. Бу машғулотлар ёш дирижёрнинг умумий мусиқий ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Чунки бу жараёнда у турли мусиқий адабиёт билан кенг танишиш имкониятига эга бўлади.

Таълим муассасаларида бундай тайёргарлик даври бир йилдан икки йилгача давом этади, ундан сўнг талабанинг оркестр ёки хор билан бевосита ишлашига имконият яратилади.

Оркестр ёки хор билан мулоқотнинг хусусияти дирижёрдан кўпгина бошқа сифатларни ҳам талаб этади: у ижрочилар оммасига раҳбарлик қилиш, улар билан ижодий алоқаларни ўрната олиши, хор ёки оркестрни бенуксон эшитиши ва ижрочиликдаги ноаниқликларга керакли даражада муносабат билдириши, ўз талаб ва истакларини қисқа ва тушунарли қилиб етказа олиши, репетицияни тўғри режалаштириш ва ўтказишнинг ташкилий жараёнларини билиши, барча қатнашчиларнинг куч ва вақтларини тежамкорлик билан сарфлаш, унга хона, нота материаллари ва ҳ.к.ларни тайёрлашни билиши зарур. Ушбу турли-туман вазифаларни синф машғулотлари жараёнида тўла ҳал этиш мумкин эмас. Шунга қарамадан, бу соҳада ҳам талаба пианиночи-концертмейстерлар билан биргаликдаги машғулотларда зарурий маълумот ва кўникмаларни ўрганади, мустаҳкамлайди.

Тақдим этилаётган ўқув қўлланма таълимнинг биринчи босқичида дирижёрнинг ижрочи, ташкилотчи ва раҳбар сифатида шаклланишлари масаласига бағишланади.

Таълимнинг дастлабки даври дирижёрлик педагогикасининг **биринчи ва энг бош вазифаси, деб муаллиф** бўлажак дирижёрда ўрганилаётган нота матнини ички эшита олиш қобилиятини, шунингдек ўзлаштирилаётган асар мусиқий образини кўз ўнгида эркин ва изчил тасаввур этиш қобилиятини тарбиялаш, деб ҳисоблайди.

Иккинчи вазифа - ижрочилик жамоасини муайян мусиқий образни ҳақиқий садоланишда талқин этишга даъват эта олиш ва бунинг учун ўз онгида шаклланган мусиқий образни ташқи ҳаракатлар воситасида кўрсатиб бера олиш қобилиятини ривожлантириш ташкил этади.

Шу муносабат билан дирижёрлик курсини олиб боровчи ўқитувчи олдида талабада дирижёрлик техникасининг уч турини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифаси туради:

- а) репетиция олди техникаси;
- б) ижрочилик ёки дирижёрлик техникаси;
- в) репетиция ўтказиш техникаси.

Дирижёрлик техникасининг бундай таркибий қисмларга ажратилиши, албатта, шартлидир, чунки таълим жараёнида ҳам, дирижёрнинг профессионал фаолиятида ҳам умумий иш жараёнидан унинг алоҳида унсурини бошқаларига тегмаган ҳолда ажратиб олиш қийин.

а) **Репетиция олди техникаси**, ёки репетиция олди даври техникаси деганда, нота матнини ўқиш ва эслаб қолиш, ушбу матнни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, тафсилотларини ўзлаштириш, ўқиб чиқилган матнни алоҳида мусиқий лавҳалар ва шунингдек тугал, яхлит мусиқий асар сифатида ҳаёлда талқин этиш тушунилади. Буларинг ҳаммаси, айниқса дирижёрнинг янги, илгари унга таниш бўлмаган асар устида ишлашига тегишлидир.

Нота материални текшириш, унга тузатишлар киритиш репетиция вақтидан самарали ва тежамли фойдаланиш имкониятини беради ва бу ҳам репетиция олди даврига киради; бу ишлар дирижёр тарафидан амалга оширилади, бўлажак репетиция ёки дарс ташкилий томонининг бирорта ҳам жойи унинг диққати доирасидан тушиб қолиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, биз репетиция олди даври вазифасини дирижёрнинг ижрочилик жамоаси билан ўтказиладиган репетицияга тайёрланиши сифатида ҳам, репетиция учун барча зарурий моддий воситалар ва шароитларни тайёрлаш сифатида ҳам белгилаймиз.

б) **Ижрочилик дирижёрлик техникаси** ёки дирижёрлик техникасида иккита вазифа: такт олиб бориш ва ҳис-туйғули, ифодавий вазифани фарқлай олиш зарур.

Такт олиб бориш дирижёр қўлларнинг бўшлиқда, муайян тезликда, шартли йўналишда жойини ўзгартириш ҳаракати (мануал техника) ёрдамида амалга оширилади; у мусиқанинг темпи ва метрини белгилаш учун хизмат қилади. Такт олиб бориш бадий дирижёрлик қилиш учун ўзига хос асос вазифасини ўтайди. Ҳис-туйғуларга тегишли вазифа – мусиқанинг ички моҳияти, унинг ғоявий-ҳиссий мазмунини очиб беришдан иборатдир.

Лекин, мусиқанинг ички ғоявий-туйғули мазмунини дирижёр ҳаракат аппаратида талқин этилиши – бу ижрочилик жараёнининг фақат бир томонигина холос. Дирижёрлик техникасининг моҳияти, эса мусиқа асари ғоявий-туйғули мазмунини ифодалаш дирижёрнинг ҳаракат орқали ижрочиларга иродавий таъсир этиши билан уйғунлашувидир, бунда дирижёр ижрочиларни ўз бадий ғояларини жонли садоланишини амалга ошириш учун қатъийят билан ундайди.

Ўзида бу санъатни ҳис этмаган мусиқачини дирижёр, деб аташ мумкин эмас, зеро у бошқаришга қодир эмас, у ёки бу садони амалга ошира олмайди, фақатгина жамоа томонидан ижро этилаётган мусиқани акс эттиради, белгилаб туради холос.

в) **Репетиция олиб бориш техникаси** – бу дирижёрнинг ижрочилар кучи ва вақтини энг оз миқдорда сарфлаб, композиторнинг нота ёзувида кўрсатган ижодий ғоясини ҳақиқий садоланишда тўла ва аниқ амалга оширишга бўлган қобилияти ва билимидир. Репетиция олиб бориш техникаси дирижёрнинг ижрочилик жамоасига нафақат дирижёрлик аппарати воситалари ёрдамида, балки зарурий тўхташ онларида оғзаки тушунтиришлар, шунингдек, бевосита ижро вақтида айтиладиган қисқа кўрсатмалар, изоҳлар ва талаблар орқали фаол таъсир ўтказишни назарда тутаяди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. *Дирижёр ва созанда-ижрочининг фарқи қандай?*
2. *Дирижёрнинг дастлабки вазифаси нималардан иборат?*
3. *Репетиция қилиш қандай маънони англатади?*

* * *

1. *Оркестр ва дирижёр ўртасидаги фарқларини тушунтиринг.*
2. *Ўзбекистонда яшаб, дирижёрлик фаолиятини олиб борган ва олиб бораётган дирижёрлар ҳақида маълумот тўплаг.*
3. *Ўзбекистонда қайси оркестрлар фаолият олиб бораётганлиги ҳақидаги маълумотларни ўрганг.*

ДИРИЖЁР ҲОЛАТИ

Авалло дирижёрнинг ҳолати ҳақидаги масалага аниқлик киритиш лозим - унда дирижёрнинг дастлабки осойишта ҳолатига ҳаракат олдида тэйёргарлик сифатида қаралади.

Гавданинг оёқ таги олди қисми, ҳатто оёқ бармоқларига таяниш ҳолатида инсон ҳаракат эркинлиги ва нозиклигига эришади. Югуриш, сакраш, бадий гимнастика, рақслар, мумтоз рақс шу таянчга асосланади. Бу ҳақда дирижёр ҳам унутмаслиги керак. Дирижёрнинг товонга таяниши унинг гавдасини ички динамика, фаолликдан маҳрум қилади.

Дирижёр тўғри туриб, бошини етарли даражада баланд тутаяди. Унинг нигоҳи ижрочиларга қаратилган. У қўлларини пулт устида, ҳар бир ижрочи дирижёрга нисбатан қаерда ўтирганлигидан қатъий назар, кўринадиган ҳолда баланд тутаяди.

“Дирижёрнинг қўли ва таёқчаси боши билан тенг баландликда кўтарилиб туради...” . “Ижрочиларнинг вазифаси дирижёрга қараш ва бу унга ўз навбатида, бемалол кўра олишларига шароит яратиш масъулиятини юклайди. Оркестр қандай жойлашганлигидан қатъий назар, дирижёр ўзини ҳамманинг нигоҳига туша оладиган ҳолатда тутиши керак” .

Ифодавий воситаларни танлаш, қўл ҳаракатлари ва имо-ишораларнинг меъёри ва фаоллиги қуйидаги мулоҳазалар асосида талаб этилади ва аниқланади: дирижёрнинг ҳар бир ҳаракати; ҳаракат аппаратидаги ҳар бир ўзгариш ижрочилар томонидан сўзсиз бажарилиши учун сигнал сифатида қабул қилинади. Шунинг учун тушунарлики, дирижёр ички ижодий жараёнининг ташқи ҳаракатда намоён бўлиши ўқитувчи томонидан ҳам, дирижёрлик - қилувчи томонидан ҳам жиддий эътиборни талаб этади.

Ижрони бошқариш жараёнида дирижёр ташқи ифодавий воситаларининг табиийлиги, ўта тушунарлиги, аниқлиги, оддийлиги ва англаб олиш осонлиги жуда муҳим роль ўйнайди. Бу воситаларнинг иродасизлиги, бўшанглиги ва мазмунга эга эмаслиги ҳаракатларнинг ўта ҳаяжонлиги ва сунъий ўйланганлигига нисбатан дирижёрлик санъатига даражада ёт сифатдир.

Дирижёрнинг ўз ҳаракат воситаларини сарфлашдаги тежамкорлиги катта аҳамиятга эга. Қўлларнинг ортиқча ҳаракатлари, агар жамоа сезгир, эътиборли ва интизомли бўлса, муқаррар равишда ижрочиларнинг дирижёр учун кутилмаганда муносабатини вужудга келтиради, ёки агар жамоа аввалдан бундай ҳаракатларга ўрганиб қолган бўлса, зарур сигналларни ижрочилар сезмай қоладилар.

Дирижёр қўлларининг ҳаракат амплитудаси бўйича ўта кенг бўлмаслиги керак. Нисбатан кичик ҳаракатлар дирижёрни камроқ толиқтиради, ички ижодий иш учун унга кўпроқ куч ва имкониятлар қолдиради. Бундан ташқари, улар оркестр диққатини яхшироқ мужассамлаштиради, ортиқча, катта кулоч отиб қилинган ҳаракатлар эса (айниқса тез суръатларда) такт олиб боришга кўпроқ ховлиқишлик олиб киради ва ижрочи ҳамда тингловчиларнинг диққат-эътиборларига ҳалақит бериб, уларнинг ғашига тегади.

Дирижёр қўлларининг вазифалари дирижёрлик қилишда қўлларнинг ҳар хил типдаги: симметрик, яъни иккита қўлнинг ҳам бир хилдаги ва бутунлай алоҳида ҳолдаги, яъни иккита қўл ҳам айна бир мақсадга бўйсундирилиб, бир вақтнинг ўзида ҳар хил техник вазифаларни бажарадиган ҳаракатлари қўлланилади. Ҳар бир алоҳида ҳолатда қайси типдаги ҳаракатни ишлатиш масаласи мусиқанинг туси, жўшқинлиги ва фактурасига қараб ҳал қилинади. Бундан ташқари, қўлларнинг ҳаракатлари, биргаликдаги ҳаракатлар ва комбинацияларни дирижёрнинг ўзи қулайлик, эркинлик,

бемалоллик мулоҳазаларига ва, ниҳоят, имо-ишоралар ва ҳаракатларнинг кўргазмали бўлиши талабларига асосланиб танлаб олинади. Ўнг ва чап қўлларнинг ҳар қандай вазифани бажариши мумкинлигига қарамасдан, дирижёрлик қилиш амалиёти кўпинча ҳар бир қўлга нисбатан кўйиладиган талабларни белгилайди.

Дирижёрлик қилиш вақтида етакчилик вазифасини бажарувчи ўнг қўл аввало тактлаштириш, яъни тактли қисмларни кўрсатиш, асарнинг тузилмасини ифодалаш учун мўлжалланади. Шу билан айна бир вақтда ўнг қўл мусиқа чолғулари, овозларнинг бошланишига ишора қилади, диққат-эътиборни нимага қаратиш кераклиги, ферматалар, синкопаларни қайд қилади, суръатни белгилайди, ҳаракат, жўшқинлик тусини ифодалайди. Шулар асосида айтиш мумкинки, ўнг қўл билан тактлаштириш механик бажариладиган иш эмас, балки у бутунлай ижро этилаётган мусиқанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Дирижёрнинг чап қўли мусиқа чолғулари, овозлар, оркестрдаги гуруҳлар, хор туркумларининг бошланишига ишора қилади, ижродаги жўшқинлик кўринишларининг турли-туманлигини ифодалайди. Бундан ташқари, мусиқий баённинг қисмларга бўлиниши, ҳижжалаш кўрсатмалари, овозлар, цезурларнинг тўхтатилиши, куйдаги тасвирларнинг ўзгаришлари асосан чап қўл ёрдамида бажарилади.

Юқорида айтиб ўтилган фикр асло бундай вазифаларнинг ўнг қўл, баъзан ҳар иккала қўл билан бажарилиши мумкинлигини истисно этмайди. Дирижёрнинг қўллари ҳеч қачон қандайдир тарзда бир-бирига боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Бир қўлнинг автоматик равишда бошқа қўл томонидан такрорланадиган ҳаракати дирижёрлик қилишдаги имо-ишораларнинг қашшоқлиги, бир хиллигига олиб келади. Лекин бу паралел, симметрик ҳаракатларни мутлақо қўлламаслик керак, дегани эмас, кўп ҳолларда бундай ҳаракатларни қилиш мажбурий ҳисобланади.

Масалан, бутун оркестрнинг кучли, тантанавор жаранглаши пайтида шундай мусиқанинг тусини янада яққол ифодалаш учун дирижёрнинг қўллари беихтиёр бир-бирини бир хилдаги ҳаракатлар билан қўллаб туради. Дирижёрнинг чап ва ўнг қўллари функцияларининг асосий фарқи шундаки, тактлаш ўнг қўлнинг мажбурий ҳаракати ҳисобланади. Чап қўл хусусида шуни айтиш мумкинки, у такт қисмларни кўрсатиши мажбурий бўлмаса-да, лекин бирмунча кенгроқ вазифаларни бажариши, масалан, яхлит динамик чизимни ифодалаш, фраза, чуқур нафас олинишини кўрсатиши мумкин. Чап қўл ўнг қўлга нисбатан кўпроқ эркинликка эга, чунки у ўзининг ҳар бир ҳаракатини қатъий муайян йўналишда юритиш зарурати билан чекланмайди.

Қўллар ҳаракатларининг эркин мувофиқлаштирилиши, уларнинг бир-биридан тўлиқ мустақиллиги қўлларнинг енгил, ортиқча кескинликсиз ва зўриқишсиз ҳаракат қилиши, ҳамма ҳаракатларни белгилаб туришини кўрсатадиган шакллари дидир.

Қўлларнинг ҳаракат қилиши пайтида уларнинг бемалол туриши масаласи дирижёрлик қилиш техникасидаги энг мураккаб муаммолардан

биридир. Кўпинча чизмалар билан илк марта танишиш айна бир пайтда ҳар иккала қўл билан бажарилади. Бунда ўқувчида аввал-бошдан беихтиёр равишда симметрик ҳаракатларга тегишли одат пайдо бўлади ва бу кейинчалик унинг ўз қўлларини бемалол ишлатишига халал беради.

Нима учун киши ўзини кейинчалик барибир воз кечилиши керак бўладиган ҳаракатни қилишга ўргатиши керак? Тактлашда чап қўл ҳамиша ўнг қўлнинг ҳаракатларини такрорлаши мумкин, лекин гап айна шу нарсани бартараф этиш ҳақида кетаяпти. Педагогик тажрибанинг кўрсатишича, олдинга фақат битта - ўнг қўл - билан чизмалар бажарилишни ўзлаштириб олиш қўлларнинг ҳаракатларидаги мустақилликка эришишда энг самарали услуб ҳисобланади. Чап қўл хусусида шуни айтиш мумкинки, чап қўлни бирданига ишга тушириш мумкин эмас, буни секин-асталик билан амалга ошириш лозим. Шубҳасиз, бу ўринда педагогнинг роли жуда муҳим бўлиб, у ўқувчининг ташаббусини тўғри йўлга солади, баъзан уни ҳаракатлардаги ортиқча хилма-хилликдан огоҳ қилади.

Қўл қисмларининг вазифалари: Қўлнинг ҳар бир қисми ўзининг ифодалаш хусусиятларига эга бўлиб, ўзига хос вазифаларни бажаради. Қўлнинг энг ҳаракатчан ва қайишқоқ қисми - бу кафт бўлиб, у энг нозик ва турли-туман ҳаракатларни: зарбали, ҳамла қилувчи, доирасимон, силовчи ва шу каби ҳаракатларни бажаришга мўлжалланган. Қўл қисмларининг енгиллиги ва ҳаракатчанлиги ҳамда камроқ толиқиши дирижёрнинг осон ва самарали ишлашига имконият яратади.

Дирижёрлик қилишда кафтнинг пастга қараб туриши энг қулай ҳолат ҳисобланади. Бунда кафт очилиб ҳам, жуда қисилиб ҳам турмаслиги, пастга ёки юқорига чиқиб кетмаслиги керак у ҳамиша олдинга қараб туриши керак. Бармоқлар табиий, бироз букилган ҳолатда туради. Уларнинг эркин ҳолатда туриши бутун кафтнинг эркин ҳолда турганлигидан далолат беради. Ўқишнинг бошланғич даврида кафтнинг эркин ушлаб турилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Шу маънода бирданига таёқча билан дирижёрлик қилиш тавсия этилмайди, чунки қўлда таёқчани тутиб туриш кафт мушакларининг қисилиб туришига сабаб бўлиши мумкин.

Кафт мусиқий тасаввурларни ифодали имо-ишораларга айлантирадиган ҳар хил тезликлар ва нозик ҳаракатларни етказувчи орган. Кафтларнинг ҳаракатчанлиги туфайли у қўлнинг бошқа қисмлари билан ва улардан алоҳида ҳолида ҳам ишлатилиши мумкин. Кафт қўлнинг бошқа қисмлари билан ишлатилганида у шу қисмларнинг ҳаракатларини тўлдириб туради, улардан алоҳида ҳолда ишлатилишида эса - ўзига янада фаолроқ функцияларни олиши мумкин. Енгил оҳангдаги мусиқа кафтнинг табиий ҳаракатлари орқали ифодаланади. Қўлнинг бошқа, анча салмоқли қисмларининг бундай ҳолларда иштирок этиши ижро характериға вазмин тус беради.

Жуда тез суръатда чалинадиган мусиқага дирижёрлик қилишда кафтнинг роли жуда катта, буни баъзан умуман деярли унчалик сезилмайдиган имо-ишора ёрдамида бажариш мумкин. Баъзан опера

спектакларида, оркестр жўр бўладиган ролни бажарадиган эпизодларда ёки қўлни дам олдириш керак бўлганида кафт орқали вазнга солинади. Бироқ ҳаракатларнинг алоҳида тусда бўлиши кафтнинг энг муҳим хусусияти эмас. Билаклар ёки бутун қўлнинг ҳаммаси ҳаракатга келганида кафтнинг роли янада ошади. Кафтнинг турғунроқ ҳаракати билаклар ифодалядиган таъсирни енгиллаштириши ёки, аксинча, кафтнинг кескин ҳаракати таъсирни янада кучайтириши мумкин.

Алоҳида ифодалаш вазифалари бажариладиган ҳоллардан бошқа ҳолларда кафт қисилиб, ҳаракатсиз турмаслиги керак. Унинг жуда букилиб, бўшашиб, кўзғалиб туриши ҳам ярамайди, бу дирижёрликнинг аниқ бўлмаслиги, имо-ишоралар ва ҳаракатларга бўшанглик тусини беради.

Қўлнинг энг муҳим, кўп ишлатиладиган қисми - бу билаклардир. Билаклар кўп ҳаракат қилиб, улар орқали қилинадиган имо-ишоралар сезилиб туради, шунинг учун вазнга солишда билаклар асосий роль ўйнайди. Бироқ билаклар вазнга солишда мажбурий ҳаракатларни бажариш билан бирга айни бир вақтда шаклига кўра ўзига хос имо-ишорани ифодалайдики, бу дирижёрликнинг таъсир қилувчи жиҳатини бойитади. Билаклар ижронинг жўшқин, ҳижжали, турли товушда жаранглайдиган сифатларини акс эттиришга имкон берадиган кенг миқёсдаги ҳаракатларни бажаради.

Қўлнинг энг кам ҳаракат қиладиган қисми - бу елкадир. Билаклар ҳаракат қилиш пайтида асосан елкага таянади. Дарвоқе, қўлнинг бошқа қисмлари каби елка ҳам ифодалаш функцияларини бажаради. Имо-ишоранинг тебранишини кўпайтириш, шунингдек, кантиленада товушнинг юқорилиги, кўпроқ жўшқинликни кўрсатиш учун ҳам елка ишлатилади.

Бироз олдинга талпиниб турган елка билаклар учун ўзига хос таянч бўлиб, қўлнинг ҳаракатларига тиниқлик ва эластиклик бағишлайди.

Дирижёр ҳолати – ўзига хос қонун қоидага асослансада, ҳар бир шахснинг гавда тузилиши ҳолатидан келиб чиқадиган ифодалаш жиҳатларининг уйғунлигидир. Унинг ёрдамида жамоадан (хор, оркестр) бир бутунликдаги ифодали ижро жиҳатлари талаб қилинади.

Дирижёрнинг ифодалаш жиҳатларига – қўллар, тана (гавда), оёқлар, бош, мимика (юз ифодаси) ва нигоҳлар киради.

Ўз вақтида тезлик билан таъсирчан ифодалаш ҳаракатларини бошқара олиш дирижёрлик техникаси дейилади. Дирижёрлик техникасига эришиш – ҳар бир ифода ҳаракатларини ўз вақтида алоҳида эътибор ва маҳорат билан бошқаришдир. Бунга эса, ҳар бир дирижёрнинг ички сезгиси ва қобилиятдан келиб чиққан ҳолда эришилади.

Дирижёрлик ҳолатининг асосий талаблари қуйидагича:

- ҳаракатлардаги табиийлик ва мускулларнинг эркин ҳаракати;
- созанда – ижрочиларга дирижёр ҳаракатларини тушунарлилигини таъминлаш;
- оркестрдан ижро талаб қилишда қўл ҳаракатларидаги аниқлик ва ишонч;
- мақсадга мувофиқ ва аниқ мақсаддаги ҳаракатлар;

- дирижёр ҳаракатларидаги образлилик ва эстетика (гўзаллик).

Дирижёр ташқи кўриниши ва пультада ўзини тутиш маданияти билан ижрочиларга таъсир ўтказа олиши керак. Шунингдек, ўзига ҳурмат уйғотиши ва ишонч билан ишлаши лозим. Ушбу фазилатларга эришиш натижасида, оркестр билан ишлаш жараёнидаги ижодий фаоллик ва интизомга эришилади.

Оркестр билан ишлаш жараёнида бутун тана иштирок этади. Қўл, бош, гавда, оёқ ҳолатлари; мимика ва нигоҳларнинг барчаси ижро этилаётган асар характеридан келиб чиққан ҳолда ишлатилади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Дирижёр ҳолати ва унинг ифодалаш жиҳатлари нималардан иборат?
2. Дирижёр қўлларининг вазифалари нима?
3. Дирижёрда қўл ҳаракатлари нечта қисмдан иборат?

* * *

1. Қўлларнинг ҳар бир қисмини алоҳида ишлатган ҳолда ойнага қараб машқлар қилинг.
2. Дирижёрлик ҳолатининг асосий талабларини ўзлаштиринг.
3. Дирижёрлик жараёнида инсон тана қисмларининг қайбирлари муҳимлигини пухта англаб олинг.

ДИРИЖЁРЛИК ТЕХНИКАСИ

Дирижёрнинг мусиқий асарнинг ижро қилиниши пайтида ижрочилар жамоасига таъсир қилиши учун ёрдам берадиган воситалар ва усуллар мажмуи дирижёрлик техникаси, деб аталади. Қўллар техникаси ёки тактлаштириш деб аталадиган имо-ишоралар ва ҳаракатлар билан бир қаторда бундай мажмуа яна оркестр олдида турган дирижёрнинг қарашлари, юз мушакларининг маъноли ҳаракатлари (мимикаси) ва умуман унинг бутун феъл-атворини ўз ичига олади. Дирижёр тактлаш техникасини эгаллаб олгач, ҳамиша ўз ҳаракатларининг ғоят содда, табиий ва ифодали бўлишига, ўзининг жуда аниқ имо-ишорасининг тўла эркин, нафис (пластик) ва қайишқоқ бўлишига интилиши керак. Дирижёр у ёки бошқа асарнинг мазмунини жуда аниқ-равшан очиб берадиган техник усулларнинг муайян ҳажмини эгаллаб олиши лозим. П.Казальснинг сўзлари билан айтганда, «Фақат яккаю-ягона бир чинакам техника бор: у ҳам бўлса, тўла-тўқис мусиқага хизмат қилишдир».

Дирижёр фақат ўзи эгаллаган усулларнинг умуман ҳаммасини ва алоҳида ҳар бирини тўла-тўқис ўзлаштирганида ижро қилиш техникасининг энг юқори даражасига ва техник жиҳатдан эркинликка эришиши мумкин. Ортикча жисмоний зўриқишга йўл қўймаслик, бутун организмдаги мушакларнинг тамомила эркин ҳаракат қилинишига эришиш лозим. Ўзини ўзи доимий назорат қилишни ривожлантириш, шунингдек, педагогнинг

кузатувлари талабанинг дирижёрлик қилиш пайтида пайдо бўладиган ҳамда кўпинча ижро сифатига салбий таъсир кўрсатадиган сиқилишлари ва кескин вазиятга тушиш ҳолатларини бартараф этишга ёрдам беради. Дирижёрлик усулларининг эрқинлиги мушакларнинг бутунлай шалпайиб қолишини англамайди - ҳар қандай ҳаракат, ҳатто энг содда ва арзимаган ҳаракат ҳам ҳар доим мушакларнинг кескинлашувига сабаб бўлади. Гап айна қайсидир ҳаракатнинг бажарилишида иштирок этадиган мушакларнинг эркин бўлиши, яъни оқилона, аниқ мақсадга қаратилган кескинлик тўғрисида бораяпти. Ўқувчи-талабаларнинг эътибори айнан шу нарсага қаратилиши керак.

Мушакларнинг эркин ҳолатга келтирилиши масаласи ўқитишнинг бошланғич давридан бошлаб, яъни тактлаш чизмаларини ўрганиш вақтида шуғулланиш зарур. Илк дирижёрлик ҳаракатлари ўзлаштирилиши ва кейинчалик техник малакаларни ҳосил қилиш бадий материал негизида давом эттирилиши лозим. Асарларнинг танланиши дирижёрлик техникаси усулларини бир тизимли асосда ўзлаштириш вазифаларига мувофиқ равишда бажарилиши керак. Бу, ўз навбатида, дирижёрлик қилишда ҳар хил техник усулларни эгаллаб олиш учун эркинлик яратади.

Дирижёрлик усуллари мажмуининг барча қисмлари ўзаро бир-бири билан боғланган ва ўзаро бир-бирига муайян даражада боғлиқ бўлади. Дирижёрнинг гавдаси, елкалари, боши, оёқлари ва қўлларининг ҳолати аввало энг кўп табиийлик ва қулайлик мезонларига қараб белгиланади.

Дирижёрлик қилаётганда гавда тўғри туриши, кескинлик бўлмаслиги ва шу билан бирга ихчам ҳолда, кўкрак тикланган ва елкалар бемалол ёйилган ҳолатда туриш керак. Дирижёрлик қилиш пайтида гавда нисбатан турғунлик ҳолатида бўлиши лозим. Турли томонга қараб бурилавериш, энгашиш, қайрилаверишлар ноҳуш тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Лекин, барибир, гавданинг ифодали маъно бериши қандай ҳаракат қилишга эмас, балки кўпроқ гавданинг қай тарзда тутиб турилишига боғлиқ бўлади.

Дирижёрлик қилиш пайтида, одатда дирижёрнинг боши бироз тик ҳолатда бўлиб, унинг юзи ҳар доим оркестр томонга қараб туриши ва ижрочиларнинг ҳаммасига аниқ кўриниб туриши лозим. Дирижёрлик қилиш пайтида дирижёрнинг юзидаги ифодалилик жуда қатъат аҳамиятга эга бўлади. Агар дирижёрнинг юз мушакларининг маъноли ҳаракатлари (мимикаси) ва кўз қарашлари, имо-ишоралар ва ҳаракатларнинг ифодали маъносига мос тушмаса, унда унинг қўлларининг ҳеч бир таъсирли ҳаракати кераклигича таъсир кўрсата олмайди.

Дирижёрлик қилиш пайтида дирижёрнинг оёқлари бутун гавда учун қатъий ва барқарор таянч вазифасини ўтайди ва оёқлар кенг ёзиб юборилмаслиги ва бир-бирига қисилиб ҳам турмаслиги керак, чунки бундай ҳолатлар кескин ҳаракат қилиш вақтида гавданинг бемалол туришига халақит қилади. Дирижёрнинг оёқлари тахминан икки товон кенглигида ёйилиб тургани энг мақбул ҳолат ҳисобланади. Баъзан унинг бир оёғи бироз олдинга чиқиб туриши ҳам мумкин. Агар дирижёр ижро қилиш пайтида кўпроқ чап томонга қараши керак бўладиган бўлса, унда унинг ўнг оёғи кўпроқ чап

томонга қараши керак бўлади, мабодо у кўпроқ ўнг томонга қараши керак бўладиган бўлса, унда унинг чап оёғи кўпроқ ўнг томонга қараши керак бўлади.

Subito piano ҳолатини кўрсатишда оёқни букиб ўтирмоқчи бўлган ҳолатни кўрсатиш, шунингдек, мусиқага монанд рақсга тушиш ҳолатини ифодалаш мумкин эмас. Кескин жаранглайдиган эпизодлар, Fortissimo, ҳар хил Tutti ва шу каби ҳолатларнинг ижро этилиши пайтида, одатда, дирижёрнинг иккала оёғи унинг гавдаси учун таянч вазифасини бажаради. Ёш дирижёрлар орасида энг кўп тарқалган нуқсон - бу мусиқа тезлигини оёқлар билан санаб кўрсатиш, бунга йўл қўймаслик ва ўрганмаслик зарур. Қўллар - бу дирижёрлик усуллари мажмуидаги энг муҳим қисмдир.

